



7



БОР  
ИМКОНЯТДАН  
ФОЙДАЛАНИШМОҚДА

**ЙИЛЛАР ТАРИХ  
УЧУН БИР ЛАҲЗА**

8

16

**СЕРҚИРРА  
ИЖОДКОР**



*Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!*

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ  
12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН


Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2006 йил 5 август, шанба • 31 (3665)-сон

*Сен боболар битган байтдирсан,  
Муҳаббатим қўшиб айтурман.  
Ўтмишингга йўл солиб гоҳо,  
Келажагинг билиб қайтурман,  
Эй, қалбимнинг онаси, Ватан!*

**Сен умримнинг  
тонгисан,  
ВАТАН!**



**POSTDA-TV**



**МУНАЖЖИМЛАР  
БАШОРАТИ**  
Келгуси ҳафта учун



## ФАОЛЛАР ЙИГИЛИШИ

Кўқон шаҳридаги «Темирийўлчилар» маданият саройида «Тозалаш» тадбири ўтказилаётгани муносабати билан фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Фарғона вилоят ҳоқими Ш. Нурматов, вилоят ИИБ бошлиғи, генерал-майор Т. Худойбергенов, Кўқон шаҳар ҳоқими М. Усмонов, вилоят ҳамда шаҳар ҳуқуқ-тартибот идоралари, ташкилот, корхона, муассасаларнинг раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва шаҳар фаоллари қатнашдилар.

Йиғилишда республикамиз мустақиллигининг 15 йиллигига тайёргарлик кўриш ҳамда байрамни осойишта, кўтаринки руҳда ўтказиш, ижтимоий-сиёсий вазият барқарорлиги, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар муҳокама этилди.

Ижтимоий-сиёсий вазият барқарорлигини таъминлаш,

жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасидаги фаолиятни янада яхшилаш мақсадида, вилоят ички ишлар бошқармаси шаҳар ИИБ га биттадан «DAEWOO-SUPERSALON», «Нексия» ва «Дамас» автомашиналарини ажратди. Кўқон шаҳар ҳоқимлиги эса хизматда фойдаланиш учун бир дона «Матиз» автомашинасининг калитини топширди.


О. БҮРИЕВ.

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар туфайли туманимиз ҳудуди тобора обод бўлиб бормоқда. Айниқса, жўшқин Аму устида автомобиль ва темир йўл кўпригининг қад ростлаб, кўҳна Хоразм воҳасини янада яқин қилиши унутилмас тарихий воқеа бўлди.*

Яна бир тилга олса арзийдиган ҳолат ҳақида тўхталсам. Мустақилликнинг дастлабки кунлари ички ишлар бўлими учун салкам ўн гектардан иборат жой ажратилганди. Ўтган вақт давомида бу ерда янги бино қурилиб, гўзал масканга айлантирилди. Бугунги кунда ушбу бино нафақат замонавийлиги, балки атрофи кўкаламзорлаштирилгани, ажиб табиат манзараси билан ҳам кишига эстетик завқ беради.

Уч гектар майдонда барпо этилган боғ меваларидан ҳомийликка олинган 5-Тўртқўл санаторий мактаби ўқувчилари баҳраманд бўлишмоқда. Жорий йилда мазкур даргоҳга битта рангли телевизор, юзта болалар футболкаси, йигирма беш дона папка олиб берилди. Бундан ташқари, таъмирлаш учун зарур техника ва бўёқлар харид қилинди.

билан ҳамкорлик кучайтирилди. Ҳукуматимиз томонидан профилактика хизматиға қаратилган эътибор туфайли



овул ва маҳаллаларда кенг кўламли ишлар жадал суръатларда амалга оширилди. Профилактика инспекторларининг эл ташвишига тез чора топиши, тўй-маъракаларда мунтазам қатнашиши одамларнинг уларга бўлган ишончини янада орттирди. Туямў-

йин сув омборининг кўриқловга олиниши, хизмат итлари питомниги қурилгани муҳим воқеалардир.

Ходимларнинг хизмат шариитини яхшилаш, жисмоний ва жанговар тайёргарлигини ошириш мақсадида турар-жой бинолари, меҳмонхона, спорт зали, ўқ отиш майдончаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, махсус ўқув хонаси ташкил этилиб, уларнинг назарий билими бойитилаяпти. Маърифат хонаси ва музей эса маънавий озуқа олишда катта аҳамият касб этмоқда.

Яқинда ИИБ навбатчилик қисми навбатдаги кўрик-танловда голиб деб топилиб, «Дамас» машинаси билан мукофотланди. Қўлга киритилаётган бундай ютуқлар шахсий таркибни янада руҳлантириб, янги меҳнат зафарлари сари ундамоқда.

Б. ЎТЕПОВ.

## ЯНГИ ЁНГИН ЎЧИРИШ ҚИСМИ

Шовот туманининг энг чекка ҳудудларидан бири – Манокда янги касбийлаштирилган ёнгин ўчириш қисми ташкил этилди. Туман марказидан 30 километр узоқликда жойлашган ушбу гўшада эндиликда ёнгин хавфсизлигининг олдини олиш учун яна бир имконият яратилди.

Мазкур қисм ихтиёрида битта жанговар машина ва 18 нафар азамат йигитлар бор. Бу куч билан ҳар қандай офатни бир зумда бартараф этиш мумкин. Ходимлар учун барча шароитлар яратилган. Ўқув синфи, навбатчилик ва дам олиш хоналари доимо озода.

Қисмнинг очилиш маросимида Шовот тумани ҳоқими Бобохон Исломов, вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, полковник Шавкат Ибрагимовлар қатнашиб, қурилишда фаоллик кўрсатган курувчи ва ички ишлар ходимларига миннатдорчилик билдиришди.

М. АБДУЛЛАЕВ.

Республика ИИБ Академиясининг 1-3-курслари тингловчилари Хоразм вилояти ҳудудида малакавий амалиёт ўташди.

## АМАЛИЁТ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, амалиёт жараёни пухта ишлаб чиқилган режа асосида ташкил этилди. Тингловчилар мураббийлар иштирокида бажарилган кундалик ишлар юзасидан ҳисобот тайёрлаб боришди. Шаҳар ва туман ИИБларига жалб қилинган 60 нафардан ортиқ тингловчиларнинг барчаси зарур ҳужжатларни ҳеч қандай қийинчиликларсиз тайёрлашга эришишди. Умумий малакавий амалиёт жараёни эса вилоят ИИБ раҳбарияти томонидан кузатиб борилди.

Амалиёт якуни бўйича ҳар бир мураббий ўзига бириктирилган тингловчига хизмат тавсифномаси берди. Тингловчилар эса устозлари иштирокида шахсий иш режасида белгиланган тадбир ҳамда мураббийлар томонидан берилган топшириқларнинг бажарилиши юзасидан маълумотнома тақдим этишди. Вилоят ИИБ раҳбарияти ҳамда ИИБ Академиясининг профессор-ўқитувчилари улардан якуний синов имтиҳонлари қабул қилишди.

Ҳасанбой МАДИРИМОВ, катта лейтенант.

Маълумки, ҳар қандай демократик жамият кўппартиявийликка асосланиб таркиб топади ва шаклланади. Фикрлар қарама-қаршилиги, хилма-хиллиги асосида мукаммал қонунлар қабул қилинади, қарорлар чиқарилади.

Тергов ва судга оид ҳужжатларда: «Вилоят ИИБ ЭКБ хулосасига кўра...», деган жумлага кўп дуч келамиз. Бу содир этилган жиноятларни «иссиғида» очишда, айбдорларни фош этишда соҳа ходимларининг машаққатли меҳнати, муносиб улуши борлигидан далолатдир. Бўлим бошлиғи, подполковник Зокиржон Раҳмоновни қизгин иш устида учратдик. Ҳаётда кўп йиллик тажрибага эга, ўз соҳасини мукаммал биладиган кишиларга «ишининг пири бўлиб кетган», дея баҳо беришди. Зокиржон ака ҳам ҳеч бир муболағасиз ана шулар тоифасидан.


— Экспертиза-криминалистика бўлими жиноятларнинг олдини олиш, содир этилганларини рад этиб бўлмас далиллар билан фош этишда замонавий техника воситалари ва махсус билимлар ёрдамида техник хизмат кўрсатади, — дейди у. — Наманган шаҳри, Учқўрғон ва Чуст туманларида бўлинмаларимиз мавжуд, улар ўзларига бириктирилган ҳудудларга хизмат кўрсатадилар.

Зиммамиздаги вазифаларни адо этиш учун энг замонавий техника воситаларига эгамиз. Зарур асбоб-анжомлар билан жи-

ҳозланган ҳаракатдаги криминалистик лаборатория, рақамли видеокамера ва фотоаппаратлар, замонавий компьютер воситалари жиноятларни очишда қўл келмоқда. Масалан, тезкор гуруҳ билан воқеа жойига борган ходим жиноятчиларга тегишли бармоқ изларини қидириб топгач, махсус дастур билан таъминланган компьютер хотирасига киритиб, жиноят содир этиши мумкин бўлган шахсларнинг дактилоскопик карталари билан автоматик тарзда солиштиради. Худди шунингдек, компьютер ёрдамида жиноятчининг гувоҳлар таърифлаган қиёфаси чизилиб, ҳосил бўлган сурат қидирувга киритилади. Компьютер буни ҳам 2-3 дақиқада аниқлаб беради.

Ушбу соҳада ишловчи ходимдан махсус билим, аниқса маҳорат, тажриба ва синчковлик талаб қилинади. Хизмат давомида жиноятни аниқлашга, очишга хизмат қилувчи ҳар қандай из, энг кичик детални ҳам ил-


гай олиш, хатога йўл қўйма-лик зарур. Чунки, «эксперт» сўзининг луғавий маъноси ҳам «тажрибали», деганидир. Майор Набижон Маматов, капитанлар Анварали Дадажонов, Рустамжон Кенжаевлар ёшларга устозлик қилишяпти. Ёшлардан иборат жамоамиз аъзолари соҳалари бўйича ихтисослашишган. Ҳар йили 2-3 нафар ходим



Суратда: вилоят ИИБ ЭКБ ходимлари, капитанлар А. Дадажонов ва Р. Кенжаевлар иш устида.

ИИБ Академиясида малака ошириб келмоқда. Шу билан бирга, зиммадаги масъулият доимо ўқиб-ўрганиш, изланиш, касбий ва жисмоний тайёргарликни янада оширишни тақозо этади. Булар замонга мослашиб бораётган жиноятчиликка қарши курашда, уларни фош этишда, турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда асосий омиллар эканини ҳар бир ходим юракдан ҳис этиб меҳнат қилаётгани соҳадаги ютуқлар гарови бўлмоқда.

Фурқат МАМАЖОНОВ, майор.



Суратда: Бир гуруҳ тингловчилар машғулот пайтида.





# ҲАЁТ ЁҒДУСИ СЎНМАЙДИ

моа ҳўжалигида та-  
белчи, бригада бош-  
лиги, вақт ўтиши бил-  
ан Самарқанд тамаки  
фабрикасида таъминотчи  
бўлиб ишлади. Шу билан  
бирга Самарқанд молия-  
иқтисод техникумининг  
кечки бўлимида таҳсил  
олди. Армия сафида хизмат  
бурчини ўтагач, 1951 йил-  
нинг июль ойида йўллан-  
ма билан ички ишлар идо-  
ралари сафига қабул  
қилинди. Мелик Жўраев  
1954-1956 йилларда Бухоро  
вилоятидаги махсус ко-  
мендатура комендантчи,  
сўнг икки йил Самарқанд  
вилояти ИИБ ёнгиндан  
сақлаш бўлими инспекто-  
ри, катта инспектор лаво-  
зимларида ишлади. 1968  
йилдан то нафақага чиқ-  
қунга қадар Қашқадарё

вилояти ИИБ ёнгиндан  
сақлаш бўлимига раҳбар-  
лик қилди. Ўтган давр ичи-  
да вилоятдаги ёнгиндан  
сақлаш бўлимлари учун  
янги бинолар қурилишига  
бош-қош бўлди. Кадрлар-  
ни тарбиялаш, жой-жой-  
ига қўйиш учун бор куч-  
гайратини аямади. Айни  
пайтда вилоятда унинг юз-  
лаб шогирдлари хизмат  
қилмоқда.  
Мелик Жўраев хизмат  
даврида вилоят ҳудудида  
ёнгин хавфсизлигини таъ-  
минлаш, унинг олдини  
олишда ибрат кўрсатди.  
1982 йили Деҳқонобод ту-  
манидаги Тандирчи даш-  
тида нефть фаввораси ер  
қобигини ёриб чиқиб,  
катта «тулхан» ҳосил қила-  
ди. Уни тизгинлашда Ме-  
лик Жўраев раҳбарлигида

ги ўт ўчирувчилар брига-  
даси тунни кунга улаб,  
жасорат кўрсатади.  
М. Жўраев фидойилиги  
учун кўплаб медаллар ва  
Фахрий ёрлиқлар билан  
тақдирланган. 1994 йили эса  
Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг Фармо-  
нига биноан «Шухрат» ме-  
далига сазовор бўлди. У од-  
дий сафдорликдан полков-  
ник унвонигача бўлган

йўлни босиб ўтди. Бу му-  
ваффақиятларнинг калити  
унинг ўз касбига салоқати,  
меҳнатсеварлигидадир. Бу-  
гунги кунда Жўраевлар су-  
лоласини фахрланиб тилга  
олиш мумкин. Унинг ўғли  
Анатолий Жўраев ички  
ишлар идораларида кўп  
йиллардан бери меҳнат  
қилиб келаяпти. Ҳозирда  
республика Ички ишлар  
вазирлиги Ташкилий-ин-  
спекторлик бошқармаси  
бошлиги лавозимида фао-  
лият кўрсатмоқда. Подпол-  
ковник Александр Жўраев  
эса вилоят ИИБ ёнгин хав-  
фсизлиги бошқармасида  
меҳнат қилаяпти.  
Мелик Жўраев 1987  
йилдан 2005 йилга қадар  
вилоят ИИБ фахрийлар  
кенгашининг раиси бўлиб  
ишлади. Ўтган давр ичида

ёш кадрларни тарбиялаш,  
янги ишга келган ходим-  
ларни фахрийларнинг бой  
тажрибасидан баҳраманд  
этишга алоҳида эътибор  
берди. Бундан ташқари,  
унинг раҳбарлигида ички  
ишлар идоралари фахрий-  
лари, ногиронлар, шу-  
нингдек, боқувчисини  
йўқотган оилалардан ха-  
бар олиниб, маънан ва ру-  
ҳан мадад берилди.  
Дилкаш инсон Мелик  
Жўраевнинг сермазмун  
ҳаёти келгуси авлод учун  
ибрат мактаби бўлиб  
қолишига шак-шубҳа йўқ.  
Унинг ёрқин хотираси  
дўстлари, шогирдлари ва  
яқинлари қалбида бир умр  
сақланиб қолади.  
**Ўроз ҲАЙДАРОВ,**  
майор.  
Сурат оила архивидан  
олинди.

Шафқатсиз ўлим кам-  
тарин инсон, ёшларнинг  
меҳрибон устози, ички  
ишлар идоралари фахрий-  
си Мелик Жўраевич  
Жўраевни орамиздан олиб  
кетди. Истеъфодаги пол-  
ковник Мелик Жўраев  
ички ишлар идораларида  
кечган 36 йиллик ҳаёти  
давомида учраган барча  
машаққатларни мардона-  
вор енгиб ўтган фидойи  
ходим эди.  
Ота-онадан эрта айрил-  
ган Мелик Бухоро вилоя-  
тидаги Фижувон болалар  
уйида тарбияланди. Шу ер-  
даги ўрта мактабни тугат-  
ди. Кейин амакиси кўма-  
гида яна ўзи туғилиб ўсган  
Самарқандга қайтди. Жа-

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳ-  
барияти, шахсий таркиби ва Фахрий-  
лар кенгаши Ички ишлар вазирлиги  
Ташкилий инспекторлик бошқармаси  
бошлиги, полковник А. Жўраевга ота-  
си, ички ишлар идоралари фахрийси,  
истеъфодаги полковник  
**Мелик ЖўРАЕВнинг**  
вафот этганлиги муносабати билан  
чучук ҳамдардлик билдирадilar.

Қашқадарё вилояти ИИБ  
раҳбарияти, шахсий таркиби  
ва фахрийлар кенгаши ички  
ишлар идоралари фахрийси,  
истеъфодаги полковник  
**Мелик ЖўРАЕВнинг**  
вафот этганлиги муносабати  
билан унинг оила аъзолари ва  
яқинларига таъзия изҳор эта-  
дилар.

## ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН

# НУФУЗЛИ ХИЗМАТ

Жорий йилнинг 20-21 июль  
кунлари Россия Федерацияси  
ИИБнинг ташаббуси билан  
Москва шаҳрида мазкур вазир-  
лик тизимидаги Юридик хизмат  
ташқил этилганлигининг 60 йил-  
лиги тантаналари бўлиб ўтди.  
Тадбирга Мустақил Давлатлар  
Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар  
ички ишлар вазирликлари  
Ҳуқуқий хизматлари раҳбарлари  
ҳам тақлиф этилди. Тадбир дои-  
расида бўлиб ўтган йиғилишда  
Ҳамдўстлик давлатларининг маз-  
кур идораларида норматив ҳуж-  
жатларни ишлаб чиқиш ва улар-  
ни амалга киритиш юзасидан  
олиб борилаётган ишлар тўғри-  
сида фикр алмашилди. Шунинг-  
дек, МДХга аъзо давлатларнинг  
жиноятчиликка қарши кураш ва  
жамоат тартибини сақлаш бора-  
сидаги қонунчилик ҳужжатлари-  
ни унификациялаш ва мувофиқ-  
лаштириш масалалари муҳокама  
қилинди.

МДХга аъзо давлатлар Ички  
ишлар вазирликлари Ҳуқуқий  
хизматлари раҳбарлари билан  
фикр алмашиш жараёнида шу  
нарсга маълум бўлдики, аксария-  
т давлатларда бошқа норматив  
ҳужжатлар қаторида ходимларни  
ички ишлар идоралари сафидан  
бўшатиш, муқаддам бўшатишлар-  
ларни хизматга қайта қабул  
қилиш ва тиклашга оид барча  
бўйруқлар, уларнинг асослили-  
ги ҳуқуқий экспертизадан ўтқа-  
зилгандан сўнггина имзоланар,  
бу эса ўз навбатида ички ишлар  
идоралари ходимлари сафидан  
бўшатишлар шахслар томонидан  
шикоятлар берилишини бир  
мунча камайишига олиб келар  
экан.

Йиғилиш доирасида МДХга  
аъзо давлатлар Ички ишлар ва-  
зирликлари Ҳуқуқий хизматлари  
раҳбарлари Россия Федерацияси  
ИИБ Ҳуқуқий департаменти то-  
монидан норматив ҳужжатларни  
ишлаб чиқиш ва уларни амалиёт-  
га жорий этиш борасида амалга  
оширилаётган ишлар билан кенг-  
роқ доирада таништирилди.  
Мазкур Департамент таркиби-  
да Россия Федерацияси Давлат  
Думаси ва Ҳукумати томонидан  
қабул қилинаётган норматив ҳуж-  
жатларда ИИБ манфаатларини  
ҳимоя қилиш, ИИБ томонидан  
ишлаб чиқилган қонунчилик  
ҳужжатларини юқори идоралар  
томонидан қабул қилингунча ку-  
затиб бориш гуруҳлари ташқил

этилган. Департаментнинг  
ҳуқуқий маълумот маркази томо-  
нидан Россия федерацияси ИИБ  
тизимидан идоравий меъёрий ҳуж-  
жатлар ҳисобини олиб бориш ва  
улар матнини шахсий таркибга  
етказишда замонавий техника  
воситаларидан кенг фойдаланила-  
япти. Қабул қилинаётган меъёрий  
ҳужжатларнинг аксарияти им-  
золангач, саноқли соатлар ичида  
ўзаро уланган компьютер тизими  
орқали тегишлилиги бўйича Рос-  
сия федерацияси ҳудудидаги бар-  
ча ўлка, вилоят, шаҳар-туман  
ички ишлар идораларига юбори-  
лади. Меъёрий ҳужжатларнинг  
электрон матнини уларга кири-  
тилган ўзгаришлар билан жой-  
ларга бериб борилиши йўлга  
қўйилганлиги йиғилиш қатнаш-  
чиларида жуда катта таассурот  
қолдирди.  
Шу ўринда Россия Федерация-  
си ИИБ Юридик хизмати таш-  
қил этилганлигининг 60 йилли-  
гига бағишланган тантаналарнинг  
қандай ташқил этилганлигига,  
вазирликнинг бу хизматга бўлган

эътиборга алоҳида тўхталиб  
ўтмаслик мумкин эмас, деб  
ўйлайман.  
Тантаналар Москва шаҳрида-  
ги «Президент отел» меҳмонхо-  
насининг мажлислар залида  
бўлиб ўтди. Мажлисни Россия  
Ички ишлар вазирлиги, армия ге-  
нерали Р. Нурғалиев олиб борди.  
Ҳуқуқий департамент ходимлари  
орден ва медаллар билан муко-  
фотланди. Шу жумладан, беш на-  
фар ходимга «Россияда хизмат  
кўрсатган юрист» фахрий унво-  
ни берилди. Мукофотлар Прези-  
дент девонининг масъул ходими  
томонидан топширилди. Сўнгра  
мазкур хизмат ходимларини му-  
кофотлаш тўғрисидаги Россия  
Ички ишлар вазирлигининг буйруғи  
ўқиб эшиттирилиб, мукофотлар-  
ни вазирнинг шахсан ўзи топ-  
ширди. Мукофотланганлар ораси-  
да МДХга аъзо давлатлар Ички  
ишлар вазирликлари Ҳуқуқий  
хизматлари раҳбарлари ҳам  
бўлиб, уларнинг барчаси «За бо-  
евое содружество» («Жанговар  
ҳамкорлиги учун») медаллари  
билан тақдирланди. Менга муко-  
фотни топширар экан Р. Нурга-  
лиев: «Тантаналарда иштирок  
этишга келганингиз учун раҳмат.  
Вазирлигизга менинг миннатдор-  
чилигим ва саломимни етказинг»,  
— деди.  
Сўнгра Департамент ходимла-  
рини байрам билан табриклашга  
келганларга сўз берилди. Улар  
орасида Россия Федерацияси  
Федерал мажлиси раиси ўринбо-  
сари, Ҳукумат, Давлат Думаси  
ҳамда бир неча вазирлик ва идо-  
раларнинг масъул ходимлари,  
Россия адвокатлар уюшмаси ра-  
иси борлиги мазкур хизматнинг  
қанчалик ҳурмат-эътиборга эга-  
лигини кўрсатади. Қолаверса,  
мазкур департаментнинг мавқе-  
ини кўтаришда, ҳурматини жойи-  
га қўйишда Россия федерацияси  
ИИБ раҳбариятининг хизмати  
каттадир.



**Баҳодир МАМАТКАРИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси ИИБ  
Ҳуқуқий таъминлаш ва  
ОАВБАҚ бошқармаси  
бошлиги ўринбосари, полковник.



(Охири. Боши ўтган сонда).

Ўлим жазосини тўлиқ бекор қилишнинг ҳар бир ҳолати ўзида фавқулодда илмий ва ижтимоий-сиёсий қизиқишнинг ифодаланишини алоҳида қайд этмоқ лозим. Давлатлар нима учун, қандай қилиб ва қачон ўлим жазосини қўлламасликка қарор қилди? Нима учун ўлим жазосини бекор қилган давлатлар рўйхатида айрим мамлакатлар, маданиятлар ва минтақалар мавжуд, айни вақтда бу рўйхатда бошқа мамлакатлар, минтақалар йўқ? Янги ҳодисалар пайдо бўлиши ва улар ёйилишининг қандай тарихий жараёнлари бундай чоғишмани келтириб чиқарди? Ва ниҳоят, қатл этиш бекор қилинишининг ушбу мисоллари келажакда бутун дунёда ўлим жазосисиз жамиятлар пайдо бўлиши учун қандай оқибатларга эга бўлади?

— Францияда ўлим жазосининг бекор қилинишини Р. Бадантер халқаро нуқтаи назардан жиддий тараққиёт деб баҳолаган. Сиз ҳам бу фикрга қўшилишми?

— Р. Бадантер ўлим жазосининг бекор қилиниши Франция учун ҳам ахлоқий жиҳатдан, ҳам халқаро нуқтаи назардан жиддий тараққиёт бўлганлиги ҳақида ёзади. Француз одил судлови ўлим жазосини бекор қилиб, ўлдирадиган одил судлов бўлишдан қутилди. У демократик, инсоннинг муқаддас ҳуқуқи — яшаш ҳуқуқини ҳурмат қиладиган одил судловга айланди.

Ўлим жазоси демократия ва инсон ҳуқуқларига риоя қилиш билан чиқишмайди. Ҳеч бир давлат ҳар қандай вазиятда, ҳеч бир сабабга кўра инсоннинг энг асосий ҳуқуқини — яшашга бўлган ҳуқуқини тортиб олиши мумкин эмас.

Халқаро жиҳатдан ўзини инсон ҳуқуқларининг ватани, деб ҳисоблайдиган Франция Фарбий Европадаги ўлим жазоси сақланиб қолган охириги давлат бўлиб қолиши мутлақо мумкин эмас эди. Франция гильотинга ёпишиб олган ягона мамлакат эди. Р. Бадантер Буюк француз инқилоби вақтида «миллий устара» деб аталган гильотинни ўтмишдаги қонли варварликнинг далили сифатида музейга топширди.

Р. Бадантернинг тарихий кузатишларидан яна бири, ўлим жазосини одатда норма дейишга ўрганиб қолган сиёсий етакчилар томонидан бекор қилиниши билан боғлиқдир. Фарб демократияси мамлакатларида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ф. Зимринг ва Ж. Хокнинг бундай деб ёзган эдилар: «Демократик мамлакатларда ўлим жазосининг бекор қилиниши деярли ҳамма вақт аҳолининг кўпчилиги бунга мухолифат бўлган бир вазиятда юз беради. АҚШдан ташқари Фарб демократик мамлакатларининг ҳар бири ўлим жазосини бекор қилди. Бироқ ўлим жазоси бекор қилинган пайтда бирорта ҳам мамлакатда демократик консенсус мавжуд бўлган, деб бўлмайди. Лекин шунга қарамай, жамоатчиликнинг норозилиги узоқ вақт давом этса ҳам ўлим жазосини бекор қилиш амал қилмоқда».

Р. Бадантер ўлим жазосини ҳал этилиши талаб этиладиган муаммо сифатида қарашнинг, яъни унга шак-шубҳасиз, ўзгармас бир ҳол сифатида қарашга мураса қилмасдан, бутун дунёда унинг тўлиқ бекор қилинишига эришиш фурсати келганлиги ҳақида ишонч билан ёзади. Ўлим жазоси одамларнинг ўзини-ўзи йўқ қилиш шаклига айланди. Одамларни ва жамиятни ҳимоя қилишга даъват этилган ўлим жазоси бунинг ўрнига ишончсизлик манбаига айланди. Инсоният Крейг Комсток «ҳимоя патологияси» деб атаган ҳимоядан азоб чекмоқда. Бунда ҳимоя воситаларининг ўзи, ўзини-ўзи йўқ қилиш манбаига айланмоқда.

— Дунё миқёсида ўлим жазосини бекор қилиш тенденцияси қандай? Бу борадаги сизнинг кузатишларингиз...

— БМТнинг Бош котиби К. Аннанин 2003 йил январь ойида Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ комиссиясига тақдим этилган маърузасига биноан «ўлим жазосини бекор қилиш тенденцияси ривожланишда давом этмоқда, ўлим жазосини бекор қилган мамлакатлар сони

50 дан ортиқ давлат ўлим жазосини қонунчилик тартибидея бекор қилди ёхуд одатдаги жиноятлар учун олдин ўлим жазоси тайинлашни тақиқлаб, унинг амал қилишини жиноятларнинг барча турларига татбиқ этди. Бу даврда ўлим жазоси қўлланилишини рад этган атиги тўрт мамлакат уни тиклади. Бу давлатлардан бири Непал ўша вақтдан буён уни қўллашни такроран рад этди, яна бир давлат — Филиппин дастлаб ўлим жазосини тиклади, сўнгра ўлим ҳукми ижро этилишини яна тўхтатиб қўйди. Қолган икки давлатда (Гамбия, Папуа-Янги Гвинея) ўлим ҳукмлари ижро этилмади.

Бироқ бир нарсаси шубҳасиз: ўлим жазоси Ж.Ж. Руссо айтганидек, «жамоат шартнома»нинг ҳам, М. Вебер ҳисоблаганидек, сиёсатнинг ҳам ажралмас қисми бўлмаслиги керак.

Р. Бадантернинг китоби ўлим жазоси тарафдорларининг асос бўлувчи постулатларидан бири — айнан айтганда, ўлим жазоси муқаррар эканлигини ва инсоният учун фойдали эканлигини шубҳа остига қўйиш учун бизга сабоқ беради.

Кўламли нигоҳ ташланган ўлим жазосисиз инсоният тарихи эракалар ва аёллар ўлим жазосидан холи бўлган жамиятни, барчанинг манфаатларига риоя қиладиган адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишга қодирлигига ишонч уйғотади.

Агар адолатсизликни тузатиш зарур бўлса, зўравонлик ва урушларни назарда тутадиган «тинчлик адолатсиз бўлмайди», деган фикр мавжуд. Бизнингча, бу фикр мана бундай янграши лозим: «ўлим жазоси бекор қилинмаса, адолатдан бўлмайди».

Ўлим жазосисиз жамият барпо этилиши имконияти инсониятнинг тарихий тажрибаси ва ижодий табиатига сингдирилган. Жуда кўплаб маънавий анъаналар ва эътиқоднинг бош қатъий қондаси «Ўлдирма», ҳаётни ҳурмат қил деган қоида ҳисобланади. Одамлар ҳатто энг қийин шароитларда ҳам ушбу қоидага қалби ва ақли билан амал қилишга қодир эканликларини кўрсатдилар. Инсониятнинг тарихий тажрибасида ўлим жазоси қабул қилинмаслигига асосланган маънавий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва мада-

— Ўлим жазоси бекор қилиниши учун курашчиларнинг таржимаи ҳоллари вақт ва масофага қарамай, бир-бири билан ҳамонандир. Қадимги дунёга оид мисоллар мавжуд: Нубияда туғилган Миср фараони Шабакка (эрамизгача 760-695 йиллар) ўлим жазосини бекор қилган. Грецияда бизнинг эрамизгача 399 йилда Афинада 500 сенатордан 140 таси Суқротни ўлим жазосига ҳукм қилишга қарши овоз берган. Японияда буддизм даврида (794-1192) «ўлим жазоси қарийб 350 йил қўлланилмаган». Америка тарихида ҳали мустамлакачилик давридаёқ ўлим жазоси бериладиган жиноятлар сонини қисқартириш бошланган эди. Мичиган штатида ўлим жазосини фақат давлатга қарши жиноятларга нисбатан қолдиришди (1846). Сўнгра Род Айленд (1852) ва Висконсин (1853) штатларида ўлим жазоси тўлиқ бекор қилинди. 1848 йилда сиёсий соҳада ўлим жазосини бекор қилишга бағишланган мунозара чоғида Виктор Гюго қуйидаги сўзларни айтган эди: «ўлим жазосини бекор қилиш бенуқсон, содда ва узил-кесил бўлиши керак».

Фаннинг ҳозирги ва келажак ютуқлари ўлим жазоси бекор қилинишини асослаш, ўлим жазосисиз жамият барпо этиш учун ахборот тақдим этишга қодирдир. Ўлим жазосисиз жамиятга ўтиш юз бериши учун бирга қўшилиши керак

# ЎЛИМ ЖАЗОСИ ҚўЛЛанилмайдиغان Жамият бўлиши мумкинми?

(ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН)



76 тадан 77 тага етди. Умумий жиноятлар содир этилганлиги учун ўлим жазосини бекор қилган мамлакатлар сони ўн битадан ўн бештага етди. Ўлим жазоси сақланиб қолиши тарафдорлари бўлган мамлакатларнинг умумий сони ҳамон 71 тани ташкил этади. Бундан ташқари, ўлим жазоси бекор қилинишини назарда тутадиган халқаро шартномаларни ратификация қилган давлатлар сони ўсди».

«Халқаро Амнистия»нинг 2005 йил 13 сентябрдаги энг сўнгги маълумотларига кўра, 85 давлат жиноий жиноятларнинг барча турлари учун ўлим жазосини тўлиқ бекор қилган; 11 давлат ҳарбий жиноятлар каби фавқулодда ҳоллардан ташқари барча жиноятлар учун ўлим жазосини бекор қилган; 24 давлатни амалда аболционистлар деб ҳисоблаш мумкин: ушбу мамлакатлар қонунчилиги ўлим жазосини назарда тутайди, бироқ кейинги 10 йилда ва ундан ошқроқ вақт мобайнида бирорта ҳам ҳукм ижро этилмаган. Шунингдек, ушбу мамлакатларда ўлим ҳукмини ижро этмаслик сиёсати ва қарор топган амалиёт мавжуд, деб ҳисобланади. Шундай қилиб, буларнинг барчаси жам бўлиб, ўлим жазосини қонунчилик тартибидея ёки амалиётда бекор қилган 120 та давлатни ташкил этади. Қолган 76 давлат ўлим жазосини сақлаб қолган ва уни амалга оширади.

Бироқ шунга қарамай, ўлим жазосини бекор қилиш билан бирга уни тиклаш ҳоллари ҳам гарчи оз бўлса-да учраб туради. 1981 йилда Францияда ўлим жазоси бекор қилингандан кейин

ний институтлар ва ҳаракатларни учратиш мумкин. Ўлим жазоси қўлланилмайдиغان давлатлар мавжуд. Ўлим жазоси бекор қилинишини ўзига асосий мақсад қилиб олган ташкилотлар ва ҳаракатлар мавжуд. Кўплаб жасур курашчилар ўлим жазоси бекор қилиниши учун курашаётган бутун жаҳон ҳаракатига бебаҳо ҳисса қўшдилар ва қўшиб келмоқдалар.

Париждаги замонавий санъат музейига кираверишда Раул Дюфининг деворга ўрнатилган улкан картинасини кўриш мумкин. Унда қадимги файласуфлардан тортиб, ҳозирги олимлар ва ихтирочиларгача электрнинг кашф этилишига улуш қўшганларнинг тасвирини кўриш мумкин. Ҳар бир давлатда ва бутун дунёда ўлим жазоси бекор қилинишига ўз улушини қўшганларнинг мана шундай панорамасини яратиш мумкин. Шунингдек, бутун жаҳон бўйича «ўлим жазосини бекор қилган кишиларнинг библиографик луғати»ни яратиш, унда ўлим жазоси қўлланилмайдиغان глобал жамият қурилишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган барча кишиларнинг таржимаи ҳолини бериш ҳам мумкин. Бундай нашр ўлим жазоси бекор қилинишига йўналтирилган бутунжаҳон ҳаракатини, ўлим жазоси бекор қилиниши тарафдорларининг мардлигини кўз олдимизга келтирган бўлур эди. Бу борада халқаро тажрибани ўртоқлашиш вақти ҳақиқатда ҳам етилди.

— Ўлим жазосини бекор қилиш бўйича қадим замонларда ҳам интилиш, ҳаракатлар бўлганми?

бўлган асосий элементлар қуйидагилардир: РУҲ — ўлим жазоси бекор қилинишига қатъий тарафдор бўлиш; ФАН — ўлим жазоси танланиши ёки ўлим жазоси рад этилиши сабабларини очиб берадиган билимлар; МЕТОДЛАР — руҳ ва фаннинг амалда ифодаланиши усуллари; САНЪАТ — руҳий юксалиш, театр, фильмлар ва санъатнинг бошқа турлари ўлим жазоси бекор қилиниши учун курашга қўшадиган ҳисса. Ушбу тўрт элементни бирлаштириш ва уларнинг саъй-ҳаракатларини кучайтириш учун демократик раҳбарлар, етакчиларнинг қатъий иродаси, фуқаролик ваколатлари, махсус институтлар ва қўллаб-қувватловчи ресурслар зарур.

Француз инқилоби байроқларига ёзиб қўйилган «эркинлик, тенглик, қардошлик» деган инсониятнинг ишончини ифодалаган шиорларнинг амалга ошишига ўлдириш, гильотин анъаналарини тугатмасдан, эришиб бўлмайди.

Ўлим жазоси — фақат диннинг иши эмас.

Ўлим жазоси — фақат жамиятнинг иши эмас.

Ўлим жазоси — фақат сиёсий етакчиларнинг иши эмас.

Ўлим жазоси — бу барчамизнинг ва ҳар биримизнинг ишимиздир.

Р. Бадантернинг «Ўлим жазосини бекор қилиш» китобининг ва «Францияда юз берган воқеалар ўлим жазоси бекор қилиниши учун кураш олиб боришдек буюк ишга хизмат қилиши ҳақидаги ҳикоя»нинг етакчи гоюлари мана шулардан иборат.

Суҳбатдош: Фурқат  
ХОЛИҚУЛОВ.



**Мафкуравий тарбия – инсон, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамият дунёқарашини шакллантиришга, уларни муайян мақсадларни ифода этувчи ғоявий билимларга йўналтирдиган жараёндир. Жамиятдаги ҳар бир ижтимоий куч ёки аҳоли қатламлари ўз манфаат ва мақсадларини ифода этувчи ғоялар тизимини яратгач, ўз тарафдорлари сафини кенгайтиришга ҳаракат қилади. Ғоялар адолатли ва ҳаққоний бўлиб, кўпчиликнинг талаб-эҳтиёжларига мос келса, мафкуравий тарбиядан кўзланган мақсадга эришилади.**

Республикамизда мафкуравий тарбиянинг асосий вазифаси халқимизнинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон турмуш тарзини барпо этиш йўлидаги асрий орзу-истаклари, мақсадларини кенг жамоатчиликка тушунтириш, айниқса, ёшлар онгига сингдиришдан иборат. Ушбу жараён оила, таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотларининг биргаликдаги фаолиятини тақозо қилади.

Бугунги кунда мафкуравий таълим деганда, аҳолининг маълум қатламлари, айниқса, ёшларнинг қарашларини ўзларига маъқул йўналишда ўзгартириш, бузгунчи ғоялар, диний экстремизм, ахлоқсизлик ғояларини сингдириш каби ғаразли мақсадлар тушунилади. Оилада ота-оналар, катталар муайян миллат, жамият, давлат тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, сиёсий ва конституцион тузумни заифлаштириш ва бузишга йўналтирилган, фуқаро ва жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи ғоявий-назарий қарашлар ва унга асосланган амалиёт мавжуд эканини тушуниб етишлари ҳамда ёшлар бунга эътиқод қилмасликларига эришишлари лозим.

Жамият маънавияти, мафкурасини шакллантиришнинг муҳим омили – ёш авлод қалбида эл-юрт, ота-онага нисбатан масъулият уйғотиш, иймон-эътиқод ва иродани мустаҳкамлашдир. Бу ҳақда юртбошимизнинг куйидаги фикрлари алоҳида эътиборга молик: «Кўп нарса, албатта, инсоннинг ўзига ва унинг тарбиясига боғлиқ. Аммо бир ҳақиқатни чуқур англаб олиш даркор: ҳар бир одам, оила, қолаверса, бутун эл-юртимизнинг бахту саодати, жамиятимизнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан одамзод таяниб яшайдиган ғоя ва маслакнинг қанчалик тўғри ва инсонийлигига,

бу эътиқод унинг оиласи, фарзандлари, халқининг эзгу мақсадларига, ҳаётий манфаатларига нечоғли мос келишига узвий боғлиқдир».

Кузатишлар шуни кўрсатадики, аксарият ота-оналар ўсмирлар тарбиясида кутилмаган му-

ларга амал қилишга ундаш ва ишонтириш йўли билан эришиш мумкин. Ота-она ўғил-қизларини қўрқитиш ёки асоссиз кўрсатма, буйруқ беришдан ўзларини тийишлари керак.

Баъзи катталар фарзандлари билан кам мулоқот қилиб, ўзларини сирли тутган ҳолда обрў орттиришни ўйлашади. Аслида у билан қанча кам мулоқот қилишса, бегоналашиш ва лоқайдлашиш ҳолати кучаяди.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг таъкидлашича, фарзанд ҳаётда ҳар нарсадан аъло, устун ва севишга лойиқ табиат муждаси. Шунга кўра болага кўз-қулоқ бўлмаслик, уни назоратсиз қолдириш, ўз вақтида тарбия бермас-

газабланиш, қўрқиш, ҳафалик ва уйқусизликдан сақлаш орқали эришилади». Боланинг хоҳишини бажариш ва ёмон кўрган нарсасини кўздан узоқлаштиришга доим тайёр бўлиб туриш лозим. Шундай қилинса, бола ёшлигидан хушхулқ бўлиб ўсади ва бора-бора бу одоб бўлиб қолади. Иккинчи томондан, унинг танасига фойда қилади, чунки ёмон хулқ турли мижоз бузилишларидан пайдо бўлади.

Ота-она ва болалар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш учун махсус сўров варақаси тарқатиб ўрганилганда: «Сенга ота-онангнинг муносабатлари қандай? Уларнинг муомаласи ёқадими?» – деган саволларга ўсмирлар: «Ота-онангнинг муноса-

батда бўлишлари кераклиги, ҳаддан ташқари эркатлатмасликлари, арзимаган нарсага жазоламасликлари, ўз болаларининг ҳамма тилаklarини рўёбга чиқаришлари лозимлигини айтганлар.

«Ота-онанг сенинг қандай муносабатда бўлишингни ёқтирмайди?» – деган саволга ўсмирлар «Гапларини бўлганимда», «Ёлғон гапирганимда», «Гапларига қулоқ солмасам», «Укаларимга ёмон муносабатда бўлишимни», «Катталарнинг ишига аралашганимни» ёқтирмайдилар, деб жавоб беришган.

Баъзи ёшларнинг бўш вақти тўғри ташкил этилмаглиги, айниқса, ҳозирги ўтиш даврида кўпгина маданий муассасалар, спорт заллари, маданият саройлари ва ҳаваскорлик тўғраклари камайиб кетгани вояга етмаганлар назоратсиз қолишига олиб келмоқда. Оқибатда улар бўш вақтларини зўравонлик, ахлоқсизлик, ҳаёсизликни тарғиб қилувчи видеофильмларни кўришга, бозорлар, шоҳбекатларда назоратсиз дайдиб юришга, спиртли ичимлик, гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилишга сарф қилмоқдалар.

Ҳар бир юртдошимизга авваламбор оила, Ватан, миллат олдидаги бурчи, ўрни ва вазифаларини тушунтириш керак. Яъни, Ватанга ниҳоятда кераклигини ҳис этиши, бунинг учун бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ хулққа эга бўлиши, билим олиши, баракали меҳнат қилишига эришиш зарур.

Ота-оналар, кексалар жамиятда тарғиботчи ҳисобланади. Ана шу тарғиботчилар шахсий намуна кўрсатишлари оиладаги мафкуравий тарбия самарадорлигига таъсир кўрсатишини эътироф этиш лозим.

Шуни унутмаслик керакки, ёшларни ишонтириш, эргаштириш, етаклаб кетиш осон. Аксарият ёшларда туйғу ақлдан устун туради. Шу ўринда Абдулла Авлонийнинг: «Тарбия биз учун ё

ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир», – деган сўзлари бугунги кунда ҳам муҳим ва долзарбдир.  
**Акрам АКМАЛОВ,**  
республика «Маънавият ва маърифат» маркази бўлим мудири,  
**Илҳом ЎТАНОВ,**  
масъул ходим.

# ОИЛАДА МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯНИНГ ТАЪСИР ЙўНАЛИШЛАРИ

аммолар, муайян қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Бу уларнинг болага оид педагогик, психологик, ҳуқуқий, маънавий-мафкуравий билимлардан етарли даражада хабардор эмасликлари оқибатидир. Айрим ота-оналар баъзан ўта талабчанлик, айрим ҳолларда жуда бепарволик қилишади. Бу эса, серташвиш ўсмирларда ҳаётга ишончсизлик келтириб чиқариши мумкин.

Хонадондаги тотувлик муваффақиятлар гаровидир. Негаки, оила аъзоларининг бир-бирларига муносабати келажак авлод қандай шахс бўлиб вояга етишига ўз таъсирини кўрсатади.

Инсон шахсини шакллантириш оиладан бошланади. Хусусан, болада ирода, феъл-атвор, муносабат, эътиқод, маънавий, мафкуравий қарашлар вужудга келади. Фарзанд тарбиясини тўғри йўлга қўйишнинг асоси унинг маънавий, мафкуравий оламида эътиқодни юзага келтиришдан бошланади. Бунга болани маънавий-ахлоқий қадрият-

лик, кейинчалик ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Тарбияси издан чиққан боланинг келажак барбод бўлиши ёки аксинча, унга яхши тарбия бериш, тўғри йўл кўрсатиш ақли расо фарзанд ўсишига кафолат эканлигини буюк мутафаккир ўз асарларида, айниқса, халқ донишмандлигидан нур олган ҳикоятларида

батлари жуда яхши», «Менга отамнинг муомаласи ёқмайди», «Онамнинг муомаласи яхши», «Отамнинг ишлари жуда кўп ва бизлар билан муомала қилишга вақтлари йўқ», «Менга фақат бувимлар яхши муомалада бўладилар», – деб жавоб берганлар.

«Ота-онангнинг қайси муомаласи ёқмайди?» – деган савол бўйича кўпгина ўсмирлар ота-оналарнинг муомаласи-



асосли далиллаган. Ибн Синонинг оилавий тарбия тўғрисидаги фикрлари унинг куйидаги сўзларида ёрқин ифодаланган: «Бола хулқини мўътадилликда сақлашга алоҳида эътибор бериш керак, бунга эса қаттиқ

дан норози эканликларини билдиришиб, улар кўпинча сабабсиз уришадилар, дейишган. «Ота-онанг сенга қандай муносабатда бўлиши керак, деб ўйлайсан?» – деган саволга ўсмирларнинг жавоблари бир-бирига яқин. Улар яхши муноса-



**Канал устидаги кўприкда қўхликки-на жувоннинг: «Ёрдам беринглар, ушланглар! Ўғрилар тунаб кетишди», — деган ҳайқириги бирпасда субҳидам сокинлигини бузди.**

**Икки ўспирин жувоннинг бўйнидаги қимматбаҳо тақинчоқларни юлиб олиб, ҳеч вақт ўтмай кўздан ғойиб бўлди. Аёл бу ҳақда Чилонзор тумани «Новза» маҳалласидаги 308-милиция таянч пунктига хабар берди.**

«Оббо, пасткашлар-ей, бу аёлни чирқиратган баттоллар ким бўлди экан?» Профилактика катта инспектори, майор Толибжон Зоиров хаёлидан ўтган бу саволга ойдинлик киритиш мақсадида профилактика инспекторлари, катта лейтенант Валижон Мавлянов, лейтенант Нигмат Исроилов, маҳалла

посбонлари сардори Зокир Маматовлар билан «олғир»ларни излашга киришди. Тезда мазкур ўғирлик «томоша»сига бевосита гувоҳ бўлганларнинг бир нечтасидан керакли маълумотлар тўпланди.

Олиб борилган суриштирувлар ўз самарасини берди. Қўшни маҳаллада яшовчи икки ўспирин далиллар ва гувоҳлар олдида ўз айбларига иқроор бўлишдан бошқа чора тополмади. Ўғирланган мол эгасига қайтарилди. Жувон хурсандлигидан профилактика инспекторларига миннатдорчилик билдирди.

Профилактика катта инспектори, майор Толибжон Зоиров маҳаллада бирор нотинч вазият юзага келса, дарҳол жамоатчиликни хабардор қилади. Сўнгра бамаслаҳат самарали чораларни ишга солади. Айни пайтда «Новза» маҳалласи ҳудудида 6300 нафардан ортиқ киши яшайди. Шун-

дан 1116 нафарини вояга етмаганлар ташкил этади. 3 та болалар боғчаси, «Мир» супермаркети, 1-Тошкент тиббиёт коллежи ҳамда пойтахтликларнинг энг севимли дам олиш масканларидан бири — Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳам айнан шу ҳудудда жойлашган.

... Майор Т. Зоировнинг болалик йиллари Бухоро вилояти Шофиркон туманида ўтган. У ўша кезлари ички ишлар идорасида фаолият кўрсатётган амакиси Салоҳиддин аканинг эғнидаги формасига ўзгача ҳавас билан қарарди. Бу соҳага қизиқиш айнан шу даврдан бошлаб шаклланган эди. 1987 йили мактабни битириб, ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг

чораларни кўради. Бу эса нохуш ҳолатларни тезда бартараф этиш имконини беради.


Дарҳақиқат, ўз касбига меҳр қўйган, юрт тинчлиги, маҳалла ободлиги учун жон куйдираётган, беҳаловат инсонгина эл меҳрига сазовор бўлади. Зеро, халқ ишончини қозониш ҳар кимга ҳам насаиб этавермайди.

Майор Толибжон Зоировнинг маҳалла оқсоқоли, маҳалла посбонлари, хотин-қизлар кўмитаси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи ҳамда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда олиб бораётган ишлари ҳам эътиборга моликдир.

Инсон ҳаётда ўзидан яхши ном қолдириш, одамларга эзгулик улашиш, кимгадир нафи тегишга ҳаракат қилади. Майор Толибжон Зоировда бундай фазилатларнинг барчаси намоён. Турмуш ўртоғи Лола Отамуродова билан икки қиз, бир ўғилни катта орзу-умидлар билан вояга етказишмоқда.

— Биласизми, айрим пайтлар хизмат билан бўлиб, оиламга вақт ажрата олмайман, — дейди майор Т. Зоиров. — Рафиқам Лолахон масъулиятли касб соҳиби

эканлигимни тушунади ва фарзандлар тарбияси билан жиддий шугулланишга ҳаракат қилади. Бахтимга барчаси омон бўлишсин. Оиладан кўнглинг тўқ бўлса, ишда ҳам унум бўлар экан. Ҳеч қачон касбимдан нолимайман. Эл дарди билан яшаш мен учун улкан бахтдир.



Ҳа, шарафли касбини ардоқлаб, эл-юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида фидойилик кўрсатётган профилактика катта инспектори, майор Т. Зоиров каби инсонлар бор экан, маҳаллаларимиз тинч ва обод бўлиб бораверади. Маҳалла тинчлиги эса юрт тинчлигидир.

Азизжон ФАЙЗИЕВ.

Суратда: майор Т. Зоиров болалар билан.

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

## ЭЛ ДАРДИ БИЛАН ЯШАШ — БАХТДИР

тарих факультетига ўқишга кирди. Мазкур олийгоҳни аъло баҳоларга битирган Толибжонга ҳамон ички ишлар ходими бўлиш орзуси тинчлик бермас эди. Ва ниҳоят, 1995 йил Чилонзор тумани ИИБ вояга етмаганлар билан ишлаш нозорати инспекциясига ишга кирди. Мана 7 йилдирки, профилактика инспектори бўлиб фаолият кўрсатмоқда. «Новза» маҳалласи аҳли уни яхши танийди. Чунки у камтарлиги, фидойилиги, энг муҳими, одамларнинг дардини эшитиб, кўмак бериши билан эл ишончини қозонаётир.

— Толибжон аканинг бой тажрибасидан келиб чиқиб, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида кўп нарсаларни ўргандим, — дейди профилактика инспектори, катта лейтенант В. Мавлянов. — У кишининг оқилона раҳбарлигида кейинги пайтда ҳудудимизда ўғирлик ва гиёҳвандлик сезиларли даражада камайди.

— Маҳалламиз тинчлиги йўлида Толибжоннинг жонқуярлиги таҳсинга лойиқ, — деди маҳалла оқсоқоли Мансур Сиддиқов. — Қачон қарамай уни маҳалладошлар билан ҳамнафас, бирор ташвишда куйиб-ёниб юрганини кўришингиз мумкин. Ёшу қарига бирдек хушмуомала.

— Масканизмизга ташриф буюрувчи ҳар бир дам олувчининг осойишта, мазмунли ҳордиқ чиқаришини таъминлашда майор Т. Зоировнинг хизматлари каттадир, — деди Фафур Фулом номли маданият ва истироҳат боғи директори Баҳодир Султонов. — Бу ерда бирор тартибсизлик юз берса ёки бола йўқолиб қолса у зудлик билан зарур

Кечки овқатдан кейин Маликаҳон ая турмуш ўртоғи Иминжонга юзланди:

— Икромжон ички ишлар идорасига ишга кирмоқчиман, дадам нима деркинлар, олдиларидан бир ўтинг, — депти.

— Хабарим бор, аяси. Мен розиман, — деди Иминжон ака. — Ўғлимиз ҳарбий хизматни аъло даражада ўтади, ҳатто қисмдан ташаккурнома келди. Тўрт йил Андижон муҳандислик институтида ўқиб, олий маълумотли бўлди. Самбо, каратэдан хабари бор.

— Гапингиз тўғри, аммо...

— Барибир онасан-да, негадир хавотирланасан. Тўғри, ўғлимиз танлаган соҳанинг машаққати кўп. Кези келса кунни тунга улаб, бедор бўлади.

Маликаҳон ая эрига синовчан боқар экан, унинг руҳига тетиклик бағишлагани интилди.

— Мен ҳам розиман, дадаси. Ахир ички ишлар тизими тобора мустаҳкамланиб, халқимиз тинч, осуда ҳаёт кечираяпти. Агар ўғлимиз ҳам эл-юрт осойишталиги йўлида хизмат қилса, барчамиз фахрланиб юрамиз.

— Бу бошқа гап, аяси. Ўғлимизга оқ йўл тилайлик. Қаерда бўлса ҳам оши ҳалол, боши омон бўлсин.

Бу суҳбат 2002 йилнинг кеч кузида

## КЕКСАЛАРГА СУЯНГАН ЮТҚАЗМАЙДИ

бўлиб ўтганди. Икромжон Холматов ота-она дуосини олгач, келгуси йил бошида ҳужжатларини Асақа шаҳар ички ишлар бўлимига топширди. У профилактика инспектори лавозимига тайинланиб, шаҳардаги энг гавжум, аҳолиси зич бўлган Матёқубов номли ва Байналмидал маҳаллаларида хизмат қила бошлади.

Ёш инспектор дастлаб ҳудудни ўрганишга киришди. Маҳаллада етти хил миллат вакиллари истиқомат қилади. Шулардан 56 фозини ёшлар ташкил этади. Икромжон мазкур масканининг шаҳарга боғлайдиган кўчалари, шоҳбекат, деҳқон бозори, хусусий дўкон ва ошхоналарнинг фаолияти билан танишди. Маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, ташкилот, мактаб, боғча раҳбарлари билан яқин алоқада бўлди.

Беш ярим минг аҳолига эга бўлган бу икки маҳалланинг тинчлиги, осойишталигини сақлаш шунчаки жўн иш

эмас. Одам бор жойда жанжал бўлади деганларидек, жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида 173 та ҳуқуқбузарлик содир этилди. Бири ичкилик туфайли безорилик қилса, бошқа бири ишламай, бировнинг мулкига кўз тикади, яна бири ташмачилик билан қўлга тушади. Икромжон учун ҳуқуқбузарликнинг катта-кичиги йўқ, ҳаммасига бирдек қарайди. Чунки кичик ўғирлик ёки жанжал катталашса, албатта жиноят содир этилади. Бунга эса асло йўл қўйиб бўлмайди.

Икромжон ичкиликка ружу қўйган икки оиланинг эркаги билан алоҳида суҳбатлашди. Уларнинг хонадониди бўлди. Оилага етишмовчилик, уй соҳибасининг тили ёмонлиги сабаб экан. Аёллар билан диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар суҳбатлашишди. Муроси мадора деганларидек, бу икки хонадонда ҳам тинч, осойишта кунлар бошланди. Шундай бўлса ҳам инспектор

оилаларни зимдан назорат қилишдан эринмади.

Яхши тарбия кўрган Икромжоннинг феъл-атвори, катталарга ҳурмат, ёшларга иззат кўрсатиши кўпчиликка маъқул келди. Уни тўй-маърака ва бошқа йиғинларга таклиф қиладиган, ҳуқуқий масалаларда ёрдам сўрайдиган, маслаҳат ва йўл-йўриқларига қулоқ соладиган бўлишди.

Катта лейтенант Икромжон Холматов маҳаллада суянадиган отахон ва онахонлар кўп. Жомий кўчабошиси Аҳрор ота, Охунбобоев кўчасидан Анвар ота, байналмидаллик Ҳасанбой оталар, Хосиятбувилар шулар жумласидандир. Профилактика инспектори улар билан бамаслаҳат иш олиб бориб, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиб келаяпти.


— Икромжон Холматов ҳали ёш, — дейди шаҳар ички ишлар бўлими бошчилигининг ўринбосари Иномжон Мамадалиев биз билан суҳбатда. — Аммо унинг ҳар иккала маҳаллада олиб бораётган профилактик ишлари бошқаларга намуна бўлмоқда. Йил давомида бу ҳудудларда биронта ҳам жиноят содир этилмагани фикримизнинг далилидир.

Абдулаҳад ЎРМОҢОВ.



# БОР ИМКОНИЯТДАН ФОЙДАЛАНИШМОҚДА

Мустақиллигимизнинг 15 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида юртимизнинг барча ҳудудларида тайёргарлик ишлари қизғин кетмоқда. Бу санага ички ишлар ходимлари ҳам муносиб ҳисса қўшишарди.



Суратда: Транспорт ИИБ навбатчилик қисми тезкор навбатчиси подполковник Ш. Маширапов ва навбатчи ёрдамчиси сержант У. Тошевлар хизмат пайтида.



– Мамлакатимизда тантаналар кўтаринки руҳда ўтиши учун аввало, тинчлик, осойишталик бўлмоғи лозим, – дейди биз билан суҳбатда Транспорт ИИБ ШТБИХ бошлиғи ўринбосари, майор Ўктам Раҳимов. – Айниқса, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, назорат қилишнинг алоҳида ўрни бор. Негаки, фарзли мақсадда фуқароларнинг юртимизга кириб келишининг олдини олиш жуда муҳим. Бу борада темир йўл, шоҳбекатлар, поездлар ва йўловчиларни назорат қилиш доимо диққат марказида.

Биз олиб борилаётган ишлар юзасидан яқинроқ танишиш мақсадида Тошкент шоҳбекати тармоқ ИИБга ташриф буюрдик. Бу ерда олиб борилаётган ишлар асосан юртимиз тинчлиги, осойишталигини сақлашга қаратилган.

Соҳада «Қидирув» тадбири давом этмоқда. Куни кеча «УФА – Тошкент» йўналишидаги поезд текширилганда қидирувда бўлган 2 фуқаро қўлга олинди. Кўп миқдордаги оғу билан яна бир фуқаро ушланди. Бундан ташқари, ҳозирги пайтда «Антитеррор», «Тозалаш» тадбирларини ўтказишдан мақсад юртимиз тинчлигини кўролмайдиган ғаламис, бузғунчи, террорчи ёхуд кўплаб инсонлар ҳаётини заҳарлаб, йўлдан

урувчи, гиёҳвандлик моддалари савдоси билан шуғулланувчи гумроҳ кимсалардан жамиятимизни тозалаш, тинчлигимизни ҳар доим шундай сақлаб қолишдир.

Мустақиллик, тинчлик, осойишталик олий неъматдир. Бунинг қадрига етишимиз лозим. Ана шундагина мустақиллигимиз, осойишталигимиз абадий бўлиб қолаверади.

Умида БОЛЛИЕВА.

## ИШОНЧ ОҚЛАНАДИ

Республикамиз ҳукумати кейинги пайтда ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Тизимда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш борасида янги имкониятлар вужудга келмоқда.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими ходимларининг фаолиятини янада яхшилаш, фуқаролар ва транспорт воситалари эгаларининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган хатти-ҳаракатларга барҳам бериш, ЙХХБ ходимларининг фаолиятига ҳолис баҳо бериш мақсадида ўтказилган навбатдан ташқари шаҳодатлаш жараёни ҳам ана шу тадбирларнинг узвий давомидир.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси сафларини ёш, довлорак, бўй-басти келишган, ташқи кўриниши, кийиниши, муомалада барчага ўрناк бўладиган ходимлар билан тўлдиришга алоҳида эътибор қаратди. Шу мақсадда навбатдан ташқари шаҳодатлашга тайёргарлик кўриш доирасида адолатпарварлик тамойиллари асосида ИИБ Академиясининг махсус курсларини тамомлаган, вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ, ЁХБ, кўриқлаш тизимларида хизмат қилаётган, бўйи метёрда, жанговар, хизмат ва жисмоний тайёргарлик бўйича ҳамкасбларига намуна бўлаётган 81 нафар ёш ходимдан иборат кадрлар захираси танлаб олинди. Улар билан ЙПХнинг ички

ишлар идоралари мавқеини мустаҳкамлашдаги аҳамияти, хизмат жараёнида ходимлар зиммасига юкланадиган масъулиятни чуқур англаш лозимлиги тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилди ва машғулотлар ўтказилди.

Вилоят ички ишлар бошқармаси мажлислар залида ЙХХБ тизимларидаги лавозимларга янги тайинланган ходимлар ва уларнинг ота-оналари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда вилоят ИИБ раҳбарияти, барча бошқарма, бўлим ва бўлинмаларнинг бошлиқлари иштирок этдилар. Вилоят ИИБ раҳбарлари янги тайинланган ходимларга ҳалол-пок хизмат қилиш, фуқароларнинг норозилигига сабаб бўлувчи хатти-ҳаракатлар содир этмаслик, зиммаларидаги вазифаларни виждонан бажариб, билдирилган ишончни оқлаш лозимлигини айтиб ўтишди.

Кўриниб турибдики, йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими ўз фаолиятини янгича руҳда давом эттиради. Энди Фарғона кўчаларида бўй-басти келишган, ташқи кўриниши ҳам, кийиниши ҳам, муомала маданияти ҳам юқори бўлган ёш ЙПХ ходимлари хизмат қиладилар.

Бўрибой ОМОНЗОДА.

*Капитан Ёқуб Норбоевнинг ички ишлар хизматида ишлаётганига кўп йиллар бўлди. Турли лавозим ва вазифаларда фаолият юритиб катта тажриба, обрў-эътибор қозонди. Мана бир неча йилдирки Бандихон тумани ИИБ ЙХХГ раҳбари. Сергаклик, ҳушёрлик, ишга масъулият билан ёндашув унга хос фазилатлардир.*

Инспектор Ёқуб Норбоевнинг иш кунлари тигиз. Айниқса, ҳар бир ҳайдовчи, транспорт воситасига кўз-қулоқ бўлиб, хавфсизликка риоя этилишини назорат қилади. Йўловчи ва юклар ҳам назардан қочирилмайди.

## ИНСПЕКТОРНИНГ БИР КУНИ

...Юк машиналаридан бири тўхтатилди. Машина ҳужжатлари кўздан кечирилди. Ҳаммаси жойида, аммо унга ортилган қорамоллар инспекторда шубҳа уйғотди. Ҳайдовчилар ҳам безовта эди. Маълум бўлишича, моллар ўғирланган бўлиб, Денов бозорига сотиш учун олиб кетилаётган экан.

Ўша куни бир неча қоидабузар аниқланди. Хусусан, спиртли ичимлик ичиб, транспорт


воситасини бошқарган фуқаро Ҳ. Эркин, А. Соатмуродлар тиббий текширувдан ўтказилиб, уларга нисбатан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди.

Инспекторнинг ҳар бир куни мазмунли ўтмоқда. У йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиб, йўловчилар ва ҳайдовчиларнинг эсон-омон манзилларига етиб олишларига эришарди. Бу борада унга сержант Комил Тўраев ҳамкор ва мададкор.

С. ОМОНТУРДИЕВ.

## УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТДИ

Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳрида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари сезиларли ишларни амалга оширмоқдалар. Фуқаролар, ҳайдовчилар, болалар билан мунтазам равишда суҳбат ва учрашувлар ўтказиб бориляпти.



Яқинда Сирдарё ГРЭСи ишчи-хизматчилари билан учрашув, айниқса, баҳсли ўтди. Бу ерда ишчи-хизматчиларнинг ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини қай даражада билишларини аниқлаш учун танлов ўтказилди. Шунингдек, болалар боғчаларида ҳам болажонларга йўл ҳаракати бел-

гиларини ўргатиш бўйича амалий машғулотлар ташкил этилмоқда.

Н. ЙЎЛДОШЕВ.

Суратда: Ширин шаҳар ИИБ ЙХХГ катта инспектори, капитан О. Турдиев ҳайдовчилар билан суҳбатлашарди.

И. ЖОНЗОҚОВ олган сурат.



# ЙИЛЛАР ТАРИХ УЧУН БИР МАХЗА

**Наманган вилояти ички ишлар бошқармасида музей ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ. Аммо раҳбариятдан тортиб, барча ходимларнинг сазой-ҳаракатлари билан деярли бир асрни ўзида мужассам этган тарих яратилди, унда. У ердаги экспонатларни кўздан кечирган киши ўзини бир зум тарихга қайтгандек ҳис қилади. Хонлик давридаги кишанлар, кўзачалар, коса ва бошқа буюмлар, дастлабки ўқ отар қуролларнинг ҳар бири ўтмиш ҳақида ҳикоя қилаётгандек туюлади, гўё.**

Вилоятдан Иккинчи жаҳон урушига кетиб, жангоҳларда ҳалок бўлган ва бедарак йўқолганларнинг исм-шарифларини ўзида жамлаган «Хотира китоби», юртга омон қайтиб, ички ишлар тизимида хизмат қилган фахрийлар ҳақида ҳикоя қилувчи суратлар ва фотоальбомлардан иборат бўлим янада салобатлироқ қўринадилар.



Ишон қадри улуг, хотираси муқаддас! Утганларни яхши сифатлари билан ёд этиш тириклар учун ҳам қарз, ҳам фарз, — деди вилоят ИИБ бошлигининг ўринбосари, подполковник Ҳ. Маҳсумов. — Яхши ниётлар билан хайрли ишга қўл урдик. Бошқарма бошлигининг

нинг Меҳнат ва Шухрат музейини ташкил этиш тўғрисидаги буйруғидан сўнг тизимдаги бошқармалар, шаҳар ва туманлар ИИБларида тегишли вазифалар топширилди. Уни бойитишида фахрийларимиз шахсий архивлари билан жуда катта ҳисса қўшдилар. Қисқа вақт ичида кутганимиздан ҳам аъло натижага эришилди. Меҳнат ва Шухрат музейини бутунги кунда вилоят ички ишлар ходимлари босиб ўтган йўлни акс эттирувчи кўзгуга қиёсласак муболаға бўлмайди...

Вилоят тарихини акс эттирган лавҳаларни ўқишда давом этамиз: 1960 йилнинг 28 январидан Наманган вилояти тугатилиб, олишувда ҳалок бўлган Норин тумани ИИБ ЖҚБ бошлиғи, майор Э. Пайгамбаров, Наманган шаҳар ИИБ ЖҚБ тезкор вакили, катта лейтенант М. Муродов, халқ мулкани кўриқлаётганда ҳалокатга учраган Чортоқ тумани ИИБ ахлоқ тузатиш инспекцияси катта инспектори, катта лейтенант Ф. Тўраҳўжаев, ўта хавфли жиноятчиларни қўлга олишда ҳалок бўлган капитан М. Тошбоев ҳамда майор Ш. Турсунов, катта лейтенант И. Юсупов, катта сержант Р. Аббасов, кичик сержант У. Жўраев ва бошқа ходимларнинг мардлиги, жасорати тарих ва рақларига зарҳал ҳарфларда ёзиб қўйилди. Ички ишлар идораларининг ҳар бир ходими улар билан фахрланиб, хотираларини қалб тўрида сақлайдилар. Жасур ўғлонларнинг она-Ватан олдидаги хизматлари муносиб баҳоланиб, 8 нафари Президентимиз Фармонига биноан «Жасорат» медали билан тақдирланган.

— 1994 йилдан ички ишлар идораларида хизмат қиламан, — дейди катта сержант Аълохон Нажмидинов. — Музей ташкил этилгандан буён кўп марта ташриф буюрдим. Лекин ҳар сафар унинг янги қирраларини кашф этгандек бўлман. Бу ердаги буюк инсонлар

Андижон ва Фарғонага қўшиб юборилди. 1967 йилнинг 18 декабрида қайта ташкил этилди ва шу йили вилоят ички ишлар бошқармасига ҳам асос солинди. Ўша пайтда бор-йўғи 300 нафар ходим фаолият кўрсатган. Автотранспортлар камлиги, алоқа воситалари эндигина ривожланаётгани, замонавий техникалар деярли йўқлигини эсласак, улар қанчалик оғир шароитларда меҳнат қилишгани кўз ўнгимизда намоён бўлади. Полковниклар Камол Муродов, Камол Эргашев, Музаффар Олимовлар бошқарманинг биринчи раҳбарларидан бўлишган. Дастлабки кундан ҳозиргача 13 нафар бошлиқ фаолият кўрсатган, уларнинг 5 нафари генераллардир. Бошқарма бошлиғи ўринбосари вазифасида ишлаганлар, давлат мукофотига сазовор бўлганлар ҳам алоҳида алоҳида бўлимларда акс эттирилган. Уларнинг шахсий ҳужжатлари, гувоҳномалари ва орден-медаллари музейга янада мазмун бахш этиб турибди.

Шунингдек, ички ишлар идораларида хизмат қилаётган аёллар, туман ИИБлари, ЭКБ, кинология, тиббий хизматлар фаолиятидан ҳикоя қилувчи бўлимлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Вилоят ИИБга қарашли бошқармаларнинг ҳар бирига алоҳида жой ажратилган. «Спорт, маънавият, маданият ва меҳр-саховат» деб номланган бўлимда эса фахрийларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар, ходимларга

носиб хизмати бор. Тизимдаги ислохотлар туфайли, айниқса, соҳа ходимларига талаб ва масъулият кучайгани, халқ билан ишлашда, низоли масалаларни ҳал этишда билим-тажрибаси етарли, изланувчан, тиришқоқ, масъулиятни чуқур ҳис этадиган кадрлар билан тўлдирилгани ижобий натижалар бераётир. Чунки бугунги

ана шу талабга жавоб беради. Айниқса, капитанлар, Акбарали Абдуллаев, Ботир Ғаффоров, катта лейтенантлар Хусниддин Убайдуллаев ва Муҳсин Мамадалиевлар нафақат билими, балки бой иш тажрибалари билан ҳам ёшларга устозлик қилмоқдалар. Милиция таянч пунктларида етарли шарт-шароитлар яратили-

сиймосига қараб туриб, шарафли касбни танлаганимдан фахрланиб кетаман. Йиллар тарих учун бир лаҳза. Бўлимлар дид билан яратилгани, ҳар бир сурат, буюм ўз ўрнини топиб қўйилгани томчида қуёш акс этганидек, мўъжазгина хонада вилоят ички ишлар бошқармаси ташкил топгандан бошлаб ҳозирги кунгача босиб ўтилган шонли ва жанговар йўл ўз ифодасини топган. Бунини «Таклиф ва мулоҳазалар» китобидаги фахри меҳмонларнинг дил сўзларидан ҳам билиб олса бўлади. Музейларнинг тарбиявий аҳамияти ҳақида ўйлаб туриб кўнглимга бир фикр келди. Мана шу бебаҳо хазинадан келгусида нафақат ички ишлар тизимидаги ёш ходимлар, балки вилоятимиз ёшлари ҳам баҳраманд бўлишса фойдалан холи эмас. Ҳар бир мактаб, коллеж ўқувчиларидан иборат гуруҳ ташкил этилиб, саёҳат уюштирилса, улар олган таассуротларини тенгдошларига сўзлаб беришса, ёшларнинг маънавий дунёси янада бойиган, она-Ватани, халқимизга меҳр-муҳаббатлари кучайган, энг бебаҳо неъмат — тинчлик, бугунги осойишта кунларнинг қадрига етган бўлишарди.

**Фурқат МАМАЖОНОВ,**  
майор.  
Суратда: тингловчилар музейи билан танишмоқда.

Айни дамда 67 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда 30 та милиция таянч пункти, 4 та марказий милиция таянч пункти мавжуд. Вилоят ИИБ ҲООБ, туман ҳокимлиги, жойлардаги корхона ва ташкилотлар ҳамда хўжаликларнинг яқиндан берган ёрдами туфайли барча милиция таянч пунктлари янги қурилган ва замонавий таъмирдан чиқарилган биноларга эга бўлдилар. Уларнинг маҳалла фуқаролар йиғинлари билан бир бинода ёки ёнма-ён жойлашгани маҳалла оқсоқоллари, фаоллар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи, яраштириш комиссияси аъзолари, маҳалла посбонлари билан ҳамкорликда иш олиб боришларида қўл келмоқда.

## ҲАМКОРЛИК — АСОСИЙ ОМИЛ

Биргаликдаги сазой-ҳаракатлар ва бошқа хизматлар билан аниқ режа асосида иш юритилаётгани зиммамиздаги масъулиятли вазифаларни адо этишда асосий омил саналади. Шу туфайли 2006 йилнинг биринчи ярми якунида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўғрилиқ, безорилик, енгил тан жароҳати етказиш ҳолатлари анчага камайди. Ярим йил давомида жиноят содир этиб, яшириниб юрган 8 нафар шахс қўлга олинди. Бунда жойлардаги профилактика инспекторларининг му-

кунда ўсмир ва ёшлар орасида тарбиявий ишларни олиб бориш, жанжалкаш оилалар, қўшниларни мurosага келтириш, муқаддам судланган ва профилактик ҳисобда турувчи бошқа шахсларга ижобий таъсир кўрсатиш, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ҳамда диний-экстремистик оқим таъсирига тушиб қолган фуқароларни қайта тарбиялаш етарли билим ва тажрибани талаб этади. Туман ИИБ ҲООБ бошлиғи, майор Хусанбой Нишоннов раҳбарлигидаги профилактика инспекторларининг деярли барчаси

иш, хизматлар замон талаби даражасида ташкил этилишида республика миқёсида ўтказилаётган «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танлови катта аҳамият касб этмоқда. Кўрик-танловларнинг бирида Хўжақишлоқдаги 3-милиция таянч пункти (профилактика инспектори, катта лейтенант Алишер Мирзаҳмедов) туман босқичида ғолиб бўлган. Унинг иш тажрибаси бошқа жойларда ҳам оммалаштирилди. Бугунги кунда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, кас-

бага ўргатиш ва иш билан таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Чунки ҳуқуқбузарликлар, жиноятларнинг аксарияти бекорчиликдан келиб чиқади. Милиция таянч пунктлари қошидаги спорт тўғрақларига, ўсмирлар ва ёшлар жалб этилаётган. Маҳалладаги қўлида ҳунари бор, вақтинча ишсиз юрган фуқароларга шароит яратилиб, «уста-шогирд» аънаъаси асосида уларга ёшларни бириктиришимиз. Бу ишларда ўзини-ўзи бошқариш органлари, маҳалла фаоллари, корхоналар, хўжаликлар ва жамоат ташкилотлари, ҳатто фуқароларнинг ўзлари ҳам фаол иштирок этишяпти. Қалбида она-Ватан, халққа меҳр-муҳаббати бор ҳар бир инсон бундай савобли ишларга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Улар турмушимиз фаровонлиги, юртимиз ободлиги, дастурхонимиз тўқиллиги энг олий неъмат — тинчлик-осойишталикка боғлиқ эканини қалбдан ҳис қилиб, профилактика инспекторларига яқиндан ёрдам беришаётир.

**Муҳаммадjon ЗОКИРЖОНОВ,**  
капитан.



# ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТ ОФИР ЖИНОЯТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Иллом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида халқаро терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши кураш дунё мамлакатларини бирлаштирувчи асосий омил эканлигини таъкидлаган эдилар. Дарҳақиқат, юртбошимиз айтганларидек, ушбу иллатга қарши жаҳон ҳамжамиятининг мурасимсиз курашини тўла қўллаб-қувватлаш, терроризмнинг ташқи кўринишларига, бегуноҳ одамларни гаровга оладиган, жонига қасд қиладиган кимсаларга қарши курашиш билангина бу офатни бартараф этиб бўлмайди. Шундай экан бозор ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодий эркинлаштириш, мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш жоиз. Буни амалга оширишда энг муҳим устувор вазифалардан бири жиноий фаолиятдан олинган дароматларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишдир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ валютага оид жиноятлар ва жиноий дароматларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти томонидан қандай ишлар амалга

оширилаётгани ҳақида матбуот гуруҳи катта инспектори Гулчеҳра Раззоқовага мурожаат қилдик.

— Гулчеҳра опа, айгинчи, департамент томонидан иқтисодий йўналишларда содир этилаётган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва олдини олиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Бугунги бозор ислохотларини чуқурлаштириш жараёнида айрим шахслар тadbиркорлик фаолияти билан ноқонуний равишда шуғулланиб, даромад олишга интиломоқда. Солиқ ва тўловларни тўлашдан бўйин товлашга, турли хил молиявий суистеъмолчилик ва фирибгарликларни амалга оширишга, олинган даромадларни эса терроризмни молиялаштиришга йўналтиришлари ҳам кузатилаётти. Бундан ташқари, банк — молия тизимларидаги айрим мансабдор шахслар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳолатига бепарволик билан қараб келмоқда. Қўзғатилган жиноий ишлар таҳлили шуни кўрсатадики, банкка топширилган омонатлар ҳақидаги маълумотлар сир сақланиши ва молиявий фаолият тўғрисида маълумотларни олиш чегараланганлиги баъзи бир мансабдор шахслар томонидан «унутиб» қўйилмоқда. Де-



партаментда олиб борилаётган ишлар эса айнан мана шундай иқтисодий, валюта, молия ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш, уларнинг олдини олишга қаратилган.

— Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги» Қонуни талаблари ижросини таъминлаш мақсадида, 2006 йил апрель ойида

Президентимизнинг молия, иқтисод, солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни кучайтириш чоратadbирлари тўғрисидаги қарори қабул қилинган. Ушбу қарор ижроси қандай таъминланмоқда? Департамент олдида қўйилган вазифалар нималардан иборат?

— Мазкур қарорга биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департа-

менти Солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига айлантирилди. Энг асосийси, ушбу департамент зиммасига бир қатор қўшимча вазифалар юклатилди. «Хуфёна» иқтисодиётнинг шаклланиш йўллари ва коррупция ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш, молиявий разведканинг замонавий тизимини яратиш, солиқ, валютага оид жиноятлар, ҳуқуқ бузилишлари ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш шулар жумласидандир. Бундан ташқари, террористик фаолиятни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида тезкор-таҳлилий, қидирув ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш, шунингдек, давлатда етказилган иқтисодий зарарни ундириб олиш, қонунбузарликнинг олдини олиш бўйича профилактик ишларни амалга ошириш каби вазифалар унинг асосий мақсади қилиб белгиланди.

— Иқтисодий барқарорлик ва олиб борилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан фуқароларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигига ҳам боғлиқ. Айтиш жоизки, амалга оширилаётган ишлар моҳияти халқ онига етиб борса янада самаралироқ бўлади...

— Дарҳақиқат, давлатнинг молия тизимига оид муносабатлари, давлат бюджетини шакллантириш, солиқ соҳасидаги мажбуриятларнинг бажарилиши, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг олдини олишга қўмақлашувчи муҳим омиллардан бири — ҳуқуқ тарғиботи тadbирлари ҳисобланади. Шу маънода жорий йилнинг ўтган даври мобайнида департамент органлари томонидан 15 мингта яқин тарғибот ишлари ўтказилди. Оммавий ахборот воситаларида кўплаб чиқишлар қилинди. Олиб борилган мулоқотлар чоғида жойлардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ўз худудларида ноқонуний даромад топиш мақсадида яширин фаолият юритаётган шахслар, терроризмга алоқадор бўлган фуқаролар тўғрисидаги маълумотларни департамент бўлими ходимларига тақдим қилишларини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, департаментнинг қонун ҳужжатларида белгиланган қарорлари вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқаруви, маҳаллий ҳокимият органлари, корхона ва ташкилотлар, шунингдек, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийлиги белгилаб қўйилди.

— Иқтисодий жиноятларни аниқлаш ва унинг олдини олишда департаментнинг ички ишлар идоралари билан ҳамкорлиги қандай йўлга қўйилган?

— Ҳар қандай жиноятларнинг олдини олишда ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода департамент ва Ички ишлар вазирлиги томонидан республикакамиз худудига олиб кирилаётган ҳамда олиб чиқиб кетилаётган товарларни таҳлилий ўрганиш мониторингини ўтказиш мақсадида қўшма фармойиш қабул қилинди. Унга кўра махсус дастур ишлаб чиқилди. Сир эмаски, юртимизга контрабанда товарларнинг кириб келиши ва муомалага киритилиши иқтисодиётимиз ривожига салбий таъсир кўрсатиб, маҳаллий ишлаб чиқаришга путур етказди. Департамент ходимлари ички ишлар ходимлари билан биргаликда бу каби ноқонуний ҳаракатларга қарши кескин кураш олиб бормоқда. Жумладан, 200 дан ортиқ шун-

— Баъзан ички назоратни амалга оширувчи идораларда қонунга амал қилмаслик ҳолатлари ҳақидаги гаплар кулоққа чалиниб қолади.

— Тўғри, лавозимидан фойдаланиб таъмагирилик қилаётган ходимлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, шу йилнинг ўтган 6 ойи давомида банк, солиқ, ҳокимлик, божхона хизматидаги айрим мансабдор шахслар томонидан 140 дан ортиқ жиноятлар содир этилганлиги аниқланган. Албатта, ўз мансабидан фойдаланиб, қинғир ишларга кўл урганлар жавобгарликка тортилди.

Ҳозирги кунда жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш ўрнига уларга шарт-шароит яратиб бериш, раҳнамолик қилиш каби ҳолатлар оз бўлсада учраб турибди. Бундай ҳолатларга қарши шафқатсизларча курашда эса барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасида ҳамкорлик ишлари давом этмоқда.

Сўхбатдош: У. БОЛЛИЕВА.

## ҚОНУНБУЗАРЛАРГА ШАФҚАТ ЙЎҚ!

Айни кунларда Сурхондарё вилояти ички ишлар идоралари ходимлари томонидан вилоят худудига ёқилғи-мойлаш, дизел, бензин каби ёнилғи маҳсулотларининг қўшни республикаларга чиқиб кетишининг олдини олиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, қўшни Тожикистон Республикаси билан чегарадош худудларда бунга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай қонунбузарликларнинг олдини олиш мақсадида махсус гуруҳ тузилиб, юқорида келтириб ўтилган товар-моддий бойликлар ҳамда маҳсулотларнинг сақланишини аниқлаш, фуқаролар томонидан паспорт-виза тартибига амал қилинишини ўрганиш учун Сарийосиё ва Узун туманларининг чегарадош худудларида профилактик тadbирлар ўтказилмоқда.



Тadbирлар чоғида Узун тумани Ж. Пирназаров номли ширкат ҳўжалигининг минерал ўғитлар сақланадиган омбори мудир Э. Тоиржоннинг уйи текшириб кўрилганда, трактор тиркамаси устида 2,5 тоннадан ортиқ азот, аммиакли селитра 12 та халтада карбонит ми-

нерал ўғити, 5 литр ширак номли захарли дори ва уруғлик чипит ноқонуний сақланаётгани аниқланди. Шунингдек, шу худудга Денов туманидан ташриф буюрган Ю. Аюбжоннинг истеъмолга яроқсиз 200 литрга яқин жувоз мойини сотаётгани маълум бўлди. Устига-устак бу фуқаро чегара худудига бўлиш қондаларини бузган.

Соҳавий хизмат ходимлари Узун туманида фаолият юритаётган видеоижара шохобчасини текширишганда гаров тариқасида ноқонуний равишда олиб қолingan фуқаролик паспортлари чиқди. Tadbирнинг тўрт кун давомида паспорт — виза тартибига қондаларини бузган 112, чегара худудга бўлиш қондаларига риёса қилмаган 157 киши аниқланиб, уларга нисбатан қонуний чора кўрилди.

Ҳозирда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш орқали, турли қонунбузарликларга чек қўйиш мақсадида Узун туманининг Истиклол, Гулистон каби аҳоли зич жойлашган маҳаллалари ва бошқа жойларда тушунтириш ишлари олиб борилаётган.

Эркин Тўляев.



# ТУНГИ ТАЛОНЧИЛИК

**Раҳим Муҳаббатни (исмлар ўзгартирилган) Андижон шахрининг шохбекатида учратиб қолди.**

— Йўл бўлсин, оппоққиз? — гап отди у.

— Асакага, холамникига, — гамза билан жавоб қайтарди қиз.

— Сафарингизни орқага сурсангиз бўлмайди?

— Бўлмайдиган ишнинг ўзи йўқ. Ҳаммасининг жазаси пул.

— Пул бор, бор, бор! — Раҳим фильм қаҳрамонига тақлид қилиб гурур билан ҳамёнига уриб кўйди. Жой-чи?

— Пул бўлса жой ҳам топилади, шу яқинда Гулноз опа деган бир танишим туради...

... Йўлда йигит бир шиша ароқ билан у-бу газак сотиб олди.

Муҳаббат кўп қаватли уйлардан бирининг иккинчи қаватига кўтарилиб, хонадон кўнфироғининг тугмасини босди. Эшикни ўрта ёшлардаги аёл очди. Муҳаббатни кўриб унинг юзи қувончдан яшнаб кетди.

— Яна қайлик топдингми ўзингга? Қани, кининглар ичкарига. Гулноз опа уларни меҳмонхонага бошлади. Сўнг Муҳаббатга кўз қисиб деди:

— Майли, мен сизларга ҳалал бермай, кўшнимникига чиқиб сериал томошга қилай.

Йўлакда эгнига хийла уринган халатни илар экан, қизни чақирди. Муҳаббат изига қайтиб, йигитга:

— Гулноз опани безовта қилганимиз ҳақиқа беш минг сўм беринг, — деди. Раҳим қизнинг айтганини санаб берди. Ёшлар ёлғиз қолишди. Муҳаббат чаққонлик билан дастурхон тузади. Раҳим ароқни очиб, пиёлаларга кўйди...

... Эшик тақиллаганида улар тўшакда эди. Муҳаббат устига чойшаб ёпиб, эшик ёнига бориб аста сўради:

— Ким у?


— Бу мен Гулноз опангман. Оч эшикни, кўзойнагимни унутиб қолдирибман.

Қиз эшикни очганида, хо-

надон бекасининг орқасида икки нафар ички ишлар ходими турганлигини кўрди.

— Биз ички ишлар идорасиданмиз, — деди улардан бири. — Кийининглар.

— Сотибсан-да! — Раҳим кийимини наридан-бери кияр экан, Гулноз опага еб кўйгудек қаради.



Ички ишлар ходимлари ёшлардан ҳужжатларини кўрсатишларини, ёнида бор нарсаларини стол устига қўйишларини сўрашди. Раҳим истамайгина чўнтагидан бир даста доллар чиқарди.

— Бу кимнинг пуллари, қаёқдан олдингиз? — сўрашди.

— Бир танишим омонат деб бериб қўйганди...

— Танишингиз ким, қаерда туради?

— Фамилиясини билмайман, оти Аҳмад. Бозорда валюта алмаштириш билан шуғулланади...

... Раҳим билан Сарвар Эски шаҳардаги бозорда сандироқлаб юришганди. Улар куруқ мевалар сотиладиган راستада Қодирни учратиб қолишди.

— Нима сотиб олмоқчисизлар? — сўради у.

— Шунчаки айланиб юрибмиз, — деди Раҳим.

— Пул бериб туролмайсизларми? Ўн минг зарур эди.

Раҳим кулди:

— Бунинг гапини қаранглар.

Ўзимиз гадодан садақа сўраб юрибмиз.

— Кишига алам қилар экан, — тўнғиллади Қодир. — Биз қаердан пул топсак деб бош қотирамиз. Баъзилар пули кўплигидан ухлай олмайди.

— Ким экан ўша? — қизиқсиниб сўради Раҳим.

— Валютафурушларни олайлик. Улардан бирини биламан. Ҳар доим бозорда бир сумка

ли уй ичига киришди. Қодир ташқарида пойлоқчилик қилиб қолди.

Ўғрилар шовқин кўтармасликка ҳаракат қилиб, пул излашга тушишди. Раҳимнинг омади чопиб, кийим жавонидан пуллар жойланган сумкани топиб олди.

— Кўкидан экан, — шивирлади у шеригига.

— Қани, кўрайин-чи, — Сарвар шошганидан стулни аганатиб юборди. Ўғрилар кўрққанларидан қотиб қолишди. Қўшни хонада чироқ ёнди.

— Ойбек, бу сенмисан? — эркак кишининг овози эшитилди. — Нега жавоб бермаяпсан?

— Хўжайин, Ойбек Тошкентда-ку, мушук бўлса керак. Ухланг, ҳали тўнг отишига анча бор, — уйқутираб норози оҳангга гапирди бир аёл.

— Ҳозир, бир қараб келайчи, нима гап экан, — гўлдиради эркак ва залнинг эшигини очди.

Чироқ ёруғида унинг кўзи ниқоб таққан икки кимсага тушди.

— Ие, сизлар кимсизлар? Бу ерда нима қилаяпсизлар?

Раҳим уй эгасини стул билан уриб, ўзи пулга тўла сумкани кўтарганча деразадан чиқиб қочди. Сарвар унинг ортидан югурди. Қодир шериклари кўён бўлишганини кўриб девор ошиб уларга эргашди.

Аҳмад Юсупов эртаси куни ички ишлар бўлимига мурожаат этди. Изқуварлар профилактика хизмати ходимларидан олган маълумотларни таҳлил қилиб, жинойтга Раҳим алоқалор, деган хулосага келишди. Тез орада Раҳим ҳам, шериклари Қодир билан Сарвар ҳам қўлга олинди. Уларнинг уйларида ашёвий далил сифатида пул ва ниқоблар топилиди. Тергов ҳаракатлари чоғида ва суд жараёнида ҳар учаласининг ҳам айби ўз исботини топди. Жинойт ишлари бўйича Андижон шаҳар суди Раҳим Болтабоев, Сарвар Ёқубов ва Қодир Зайнутдиновларни турли муддатларга озодликдан маҳрум этди.

**Борис КЛЕЙМАН.**

*Тўнг қоронғусида Қизириқ туман ички ишлар бўлими навбатчилик қисмига «Пахтакор» фуқаролар йиғини ҳудудидан номаълум эркак кишининг автоҳалокатга учрагани тўғрисида хабар тушди. Тезкор гуруҳ зудлик билан воқеа жойига етиб келди.*

## ЖУРЪАТСИЗЛИК ҚОТИЛГА АЙЛАНТИРДИ

Қонга беланиб, беҳуш ётган жабрланувчи зудлик билан «Тез ёрдам»га етказилди. Шифокорларнинг бир неча кунги елиб-югуришлари натижа бермади. Бунинг устига жабрланувчининг шахси ноаниқ, айбдор эса воқеа жойидан яширинишга улгурган.

Жабрланувчининг ҳаётини сақлаб бўлмади. Тезкор гуруҳ олдида гоят оғир вазифа турарди. Биринчи навбатда унинг шахсини аниқлаш керак эди.

Тезкор гуруҳ иккига бўлинди. Бир неча ходим ўша тунда ҳаракатланган автомашиналарни бирма-бир кўздан кечириб, ҳайдовчилар билан суҳбат ўтказди. Аммо ҳеч қандай далил топилмади. Автоҳалокат содир этиб, яширинган машина ҳайдовчиси шубҳасиз бошқа туманга чиқиб кета олмаган. Туманга кирувчи ва чикувчи барча йўллар назоратга олинди. Қизил рангли ҳар бир машина синчиклаб кўздан кечирилди. Чунки воқеа жойида озгина қизил бўёқ ва ойнаси синиғи қолган эди.

Тезкор гуруҳ раҳбари, подполковник Адир Бобоқулов ходимларга барча қизил рангли машиналарнинг олд қисми ва олд ойнасини синчиклаб кўздан кечиришни топширди.

Туман ЙХХГ катта инспектори, капитан Абдулла Алиқулов, инспектор, катта лейтенант Рустам Холиқов, профилактика катта инспектори, капитан Панжи Темиров, катта терговчи, майор Шавкат Жалилов ҳамкорлигида олиб борилган тезкор ҳаракатлар натижасида воқеа содир этиб, яширинган ҳайдовчи қўлга олинди. Ҳайдовчи кўрққанидан қочиб кетган, машинасидаги ўша кемтик ва ойнани алмаштирган, аллақачон изни йўқотган экан.

Тезкор суриштирув-тергов чоғида айбдор қилмишини бўйнига олди. Бунинг экспертиза хулосалари ҳам тасдиқлади. Аммо марҳумнинг шахси ҳамон аниқ эмасди. Оммавий ахборот воситалари орқали берилган эълонлар, қидирилаётган фуқаролар рўйхатини чуқур ўрганиш туфайли марҳумнинг шахси аниқланди. У уй-жойининг тайини йўқ фуқаро бўлиб чиқди.

Ҳайдовчи қилмишидан пушаймон эди. Ҳа, унинг гуноҳи катта. Ахир у жабрланувчига ўз вақтида тиббий хизмат кўрсатмади. Кўрққонлик ва журъатсизлик уни қотилга айлантирди.

Жинойтни тезкорликда очган бир неча ходим рағбатлантирилди.

Туман ИИБда ўз касбининг устаси бўлган бундай ходимлар анчагина. Эл-юрт осойишталиги, ҳуқуқбузарликлар ва жинойтчиликка қарши кураш маъсулияти уларга ором бермайди. Хизмат вазифаси эса ҳаминша ҳушёрликка чорлайди.

**Сафарали ОМОНТУРДИЕВ.**

# ҚОП КЎТАРГАН АЁЛ

Замона зайли билан аёллар ҳам тижоратчи бўлиб кетишди. Ҳатто баъзи бир жиҳатлари билан эркаклардан «ўзиб» кетишмоқда. М. Нигора урганчлик. Бундан бир неча йил аввал феъл-атвори бир-бирига тўғри келмагач эри билан ажралишган. Аввалига Тошкентга гуруч олиб бориб сотиш билан шуғулланиб тузуккина оила тебратаётган аёлга топиш-тутиши камлик қилгандай туюлди. Нима қилади «Хоразм гуручи бор» дея куни билан томоқ йиртади. Савдонинг зўри бу ёқда экан. Ялиниб ҳам ўтирмайсан. Керак бўлса уйингдан ялиниб-ёлвориб олиб кетишади.

Алқисса, М. Нигора «майда-чуйда» савдоларни йиғиштириб спирт маҳсулотларини сотиш билан шуғуллана бошлади. 2006 йил 4 февраль куни

Тошкентдаги «Ўрикзор» бозоридан 1 ярим литрли 60 та идишдаги спиртнинг ҳар бирини 2 минг 400 сўмдан, жами 144 минг сўмга сотиб олиб, Урганч шаҳрида яшовчи Қ. Шаҳлога 2 минг 800 сўмдан пуллади.

— Ҳақиқатан ҳам менда тижорат қилиш учун ҳеч қандай ҳужжат йўқ, — деди Нигора қўлга тушгач. — Бозорга турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари келтириб сотиб тураман. Укам Отабек юкларни тушириш ва ортишда ёрдам бериб юрарди. Қилмишимдан пушаймонман, мени кечиринглар.



Қонун барча учун баробар. Шу жумладан аёллар учун ҳам. М. Нигора Ўзбекистон Республикаси Жинойт кодексининг тегишли моддаси бўйича жавоб беради.

**Дилшодбек МАДРАҲИМОВ,**  
лейтенант.





# POSTDA-TV

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

7 август – 13 август

СТС,  
шанба  
21.00



АҚШнинг Аризона штати. Уэйн ўт ўчирувчилар мактабига кириш учун имтиҳонга тайёрланаётиб, тунни саҳрода ўтказишига тўғри келади. Шунда метеоритнинг кулаб тушишига гувоҳ бўлади. Эртаси кун биология ўқитувчиси, доктор Айра Кейн ва геология ўқитувчиси Гарри Блок метеорит кулаб тушган жойни текшириш учун келишади. Кейинроқ Айра Кейн самовий жисмдан ажралиб чиққан суюқликни заррабин остида текшираётиб, ундаги бир хужайрали организмлар жуда тез кўпаяётганлигини аниқлайди...

Ролларда:  
Дэвид Духовни, Жулианна Мур,  
Орландо Жонс, Шон Уильям Скотт,  
Тед Левин, Ден Эйкройд.

## Фантастик комедия «ЭВОЛЮЦИЯ»

ДТВ, душанба  
22.00 Жангари фильм «ПРЕЗИДЕНТГА СУИҚАСД («УБИТЬ ПРЕЗИДЕНТА»).



Ломар Квентин – ёвуз кимса. У каскадёр Ник Жеймс билан хотини Надяни ўғирлайди. Никни банклардан бирини талашда иштирок этишга мажбурлайди. Акс ҳолда хотинингни кўз олдингда ўлдирамиз, деб уни кўрқитади. Аммо талончиликдан сўнг ҳам Надяни қўйиб юбормайди. Ник шундан сўнг ҳақиқий «ўйин» энди бошланаётганини тушуниб етади.

Ролларда: Майкл Медсен, Рой Шайдер, Кейт Дэвид, Энджи Эверхарт, Дейтон Калли.

НТВ, сешанба  
0.55 Комедия «ОТАЛАР КУНИ» («ДЕНЬ ОТЦА»)



Ўн олти ёшли Скотти келиб чиқшининг тайини йўқ бир қизга илашиб уйдан кетиб қолади. Она шўрлик: «Ўғлим у дайдига уйланиб қўймасин», – деган хавотирда собиқ севгилилари – омади чопган адвокат Жек Лоуренс ва омадсиз драматург Дейл Патлига кўнғироқ қилади. Уларнинг ҳар бирига «Скотти сенинг ўғлинг», – дейди. Улар нафақат қочоқни уйга қайтаришади, балки ўзаро дўстлашиб ҳам қолишади.

Ролларда: Робин Уильямс, Билли Кристал, Настасья Кински, Жулия Луис-Дрейфус, Чарли Хофхеймер, ва бошқалар.

ТВ 3, чоршанба  
21.00 Саргузашт фильм «КЎЧА ЖАНГЧИСИ» («УЛИЧНЫЙ БОЕЦ»)



Шафқатсиз диктатор ҳеч бир айбсиз одамларни гаровга олади. Уларни, озод этиш эвазига миллионлаб доллар пул талаб қилади. Унга фақат жасур полковник Уильям Гайлгина бас келиши мумкин. Бунинг учун эса дунёни эгаллаш орзусида юрган диктаторнинг махфий штабини топиб, тор-мор этиши лозим.

Ролларда: Жан Клод Ван Дамм, Кайли Миноуг, Рауль Жулия.



### «Ўзбекистон» телеканал

**Хурматли телетомошабинлар!**  
**Профилактика муносабати билан душанба, 7 август куни «O'zbekiston» телерадиоканали ўз кўрсатувларини соат 14.55 дан бошлайди.**  
 14.55 Кўрсатувлар дастури.  
 15.00-15.45 «Тахлилнома».  
 15.45 «Ватанпарвар».  
 «Болалар сайёраси»;  
 16.45 «Эртақлар – яхшиликка етаклар».  
 17.00 «Ахборот».  
 17.15 Олтин мерос.  
 17.20 «Равнақ» студияси намойиш этади.  
 17.35 «Файратли йигитлар». Ҳажвий кўрсатув.  
 18.00 «Қалқон».  
 18.15 «Оҳанглар оғушида».  
 18.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдида. «Умр дафтари». О. Шарофиддинов. 1-қисм.  
 18.40 «Назм ва наво».  
 19.20 Биржа ва банк хабарлари.  
 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.  
 19.30 «Ахборот»  
 20.05 «Омон бўлинг!»  
 20.10 «Ишқ эртаги».  
 21.00 «Ахборот».  
 21.40 «Сиз соғинган оҳанглар». Э. Лутфуллаев.  
 22.00 «Тақдир тухфаси».  
 23.05 «Кўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)  
 23.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралигида».  
 23.35-23.40 Тунги наволар.

### «Ёшлар»

#### телеканал

Телетомошабинлар диққатига! Соат 15.55 гача профилактика.  
 16.00 Давр.  
 16.20 Шум болалар.  
 16.30 Болажон.  
 16.45 Қишлоқдаги тенгдошим.  
 17.05 UzEX хабарлари (инглиз ва рус тилларида)  
 17.25 «Моя мечта». Дунё таомлари.  
 18.00 «Ўнинчи қироллик». Бадиий фильм. 6-қисм.  
 18.45 UzEX хабарлари.  
 18.55 Ватан ҳақида ўйлар.  
 19.00 Давр.  
 19.45 Ракурс.  
 20.00 Спорт-лото.  
 20.10 CINEMANIYA.  
 20.30 Оқшом кўнғироқлари.  
 20.35 Ёшлик наволари.  
 21.00 «Фараҳли ноябрь». Бадиий фильм.  
 22.00 Давр.  
 22.35 Кўнғил таронаси.  
 22.45 «Фараҳли ноябрь». Бадиий фильм (давоми)  
 23.35 - 23.40 Орзулар бекати.

### «Тошкент»

#### телеканал

18.10 Кўрсатувлар тартиби.  
 18.15 Мультфильм. «Пока хонтас».  
 18.30 «Пойтахт» ахборот дастури. /рус/.  
 18.45 «Анонс».  
 18.50 «Химоя».  
 19.00 «Телекуррьер-маркет».  
 19.15 «23, 5 даражали бурчак остида». Хужжатли телесериал.  
 19.40 Мусиқа SMS.  
 19.55 «Тв юрист».  
 20.00 «Пойтахт» ахборот дастури.  
 20.20 «Индаба».  
 20.45 «Телекуррьер-маркет».  
 21.00 «Жозиба».  
 21.15 «Эрудит».  
 21.30 «Пойтахт»  
 21.45 «Анонс».  
 21.50 «Кино мўъжизалари». Илмий-оммабон фильм. (рус).  
 22.15 «Аёл қалби».  
 22.30 «Пойтахт» ахборот дастури.  
 22.50 Кино. «Доктор Жекл ва Мистер Хайд». Бадиий фильм.  
 00.15-00.20 «Хайрли тун, шаҳрим».

### «Sport»

#### телеканал

7.00 «Бодрое утро».  
 8.00 «Версия». Информационно-аналитическая программа.  
 8.30 Мультфильм.  
 9.00 «Талқин». Информацион-тахлилий кўрсатув.  
 9.30 «Детективы».  
 10.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор»-«Нефтчи».  
 10.55 «Мониторинг».  
 11.15 «Талисман». Сериал.  
 12.00 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.  
 12.40-13.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.  
 «Андижон»- «Машъал».  
 18.00 «Болалар спорти».  
 18.15 «Спортимиз маликалари».  
 18.30 «Хабарлар» (рус. тилида)  
 18.55 «Жди меня».  
 20.00 «Вести».  
 20.20 «Тет-а-тет».  
 20.30 «Жизнь прекрасна». Сериал.  
 21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида)  
 21.50 «Футбол шарҳи».  
 22.10 «Проф-РИНГ».  
 23.00 Енгил атлетика. Европа чемпионати.  
 23.45 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.  
 00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### 30-канал

17.00 «Теле-экспромт»  
 17.30 Мультфильми  
 18.00 Болалар соати  
 18.20 Севги наволари  
 18.50 «Тараққиёт – ТВ»  
 19.00 Ошиқона  
 19.40, 21.45 «Теле-ҳамкор»  
 20.00 Мусиқий табассум  
 21.00 «София, менга имкон бер», сериал  
 21.55 Мусиқий табассум  
 22.25 «Туртқўл - ТВ»  
 22.30 Сериал

### «Первый»

6.55 «Доброе утро»  
 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 6.00 Новости  
 10.05 «Доброе утро»  
 10.30 «Агент национальной безопасности». Фильм  
 11.30 «Доктор Курпатов»  
 12.00 «Малахов +»  
 13.15 Сериал «Талисман»  
 14.00 «Дети-маугли». Док. фильм  
 14.45 «Чудо стволовой клетки». Док. фильм  
 15.20 Криминальная Россия  
 16.20 «Сердце на продажу». Док. фильм  
 17.20 «Детективы»  
 17.55 «Пусть говорят»  
 19.15 «Избранное»  
 19.50 «Любовь как любовь». Фильм  
 20.55 «Жди меня»  
 22.00 Время  
 22.30 Фильм «Близнецы»  
 23.25 «Живые игрушки для взрослых». Док. фильм  
 0.25 Криминальная Россия  
 1.00 «На ночь глядя»  
 1.45 «Тайные знаки земли»  
 2.30 Фильм «Хоффа»  
 4.00 Время  
 4.30 Фильм «Хоффа»  
 5.20 «Дети-маугли». Док. фильм  
 6.05 «Коммандос». Док. фильм

### «Россия»

4:00 «Доброе утро, Россия!».  
 7:45 «Человек без маски. Георг Отс».  
 8:45, 10:00, 13:00, 15:45, 15:45, 23:15, 3:45 ВЕСТИ.  
 9:00 Сериал «Тайны следствия».  
 11:50 Сериал «Гражданин начальник».  
 13:40 Фильм «Мы умрем вместе»  
 16:40 «Обреченная статья звездой». Сериал.  
 17:40 Сериал «Волчица».  
 20:05 «Спокойной ночи, малыши!».  
 20:15 Сериал «Тайны следствия».  
 22:15 «Городок».  
 23:35 Сериал «Угон».  
 0:30 «Дорожный патруль».  
 0:45 Фильм «Взрослый ребенок»  
 2:35 «Евроныус»

### НТВ

5:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»  
 7:10 Сериал «ДАЛЬНОБОЙЩИКИ»  
 8:00 «КУЛИНАРНЫЙ ПОЕДИНОК»  
 9:00, 12:00, 15:00, 18:00, 21:00 «СЕГОДНЯ»  
 9:20 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»  
 10:05 «КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС»  
 10:55 «СЛЕДСТВИЕ ВЕЛИ...»  
 12:35 Сериал «МАРШ ТУРЕЦКОГО-2»  
 14:30 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»  
 15:25 Сериал «БАНДИТСКИЙ ПЕТЕРБУРГ»  
 17:35 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»  
 18:40 Сериал «ОСТРОГ. ДЕЛО ФЕДОРА СЕЧЕНОВА»  
 19:50 Сериал «ВСЕ ВКЛЮЧЕНО»  
 20:45 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»  
 21:40 Сериал «КОНТОРА»  
 22:50 Сериал «СЕКС В БОЛЬШОМ ГОРОДЕ»  
 23:50 «ШКОЛА ЗЛОСЛОВИЯ»  
 0:45 Боевик «БАЗА»

2:25 Сериал «ДАЛЬНОБОЙЩИКИ»  
 3:10 «БИЛЬЯРД»  
 3:55 Сериал «ВАВИЛОН 5»  
 4:35 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»

### ТВ 3

7.30 Победоносный голос верующего.  
 8.00, 14.30 Мультфильмы.  
 10.00 Худ. фильм «ЗЕНОН СПАСАЕТ БУДУЩЕЕ»  
 12.00 Худ. фильм «ДЕЛО СТАРИНЫ ДРАМА»  
 14.00 Сериал «Осторожно, модерн!»  
 15.00 Худ. фильм «ЛЮБИМАЯ ЖЕНЩИНА МЕХАНИКА ГАВРИЛОВА»  
 16.45 Худ. фильм «ДВОЕ - ЭТО СЛИШКОМ»  
 19.00 Сериал «ГОРЕЦ-4»  
 20.00 Худ. фильм «ФАЙЛ «ВЕКТОР»»  
 22.00 Худ. фильм «КОРОЛЬ ЗАТЕРЯННОГО МИРА»  
 0.00 Худ. фильм «БАГРОВЫЙ ШТОРМ»  
 2.00 Худ. фильм «СМЕРТЬ ON-LINE»  
 4.00 Сериал «ГОРЕЦ-4»  
 4.45 Худ. фильм «АЛЕГРИЯ»

### ДТВ

7.30, 15.30 Мультфильмы.  
 9.05, 13.00, 20.00 Смешное видео.  
 9.30, 16.30 «Как уходили кумиры»  
 9.55 «Неслучайная музыка».  
 10.00 Телемагазин.  
 10.30 «Карданный вал +».  
 10.50 Худ. фильм «ПУТЬ ДРАКОНА».  
 13.30 Сериал «КОМАНДА «А»».  
 14.30 Сериал «КРУТОЙ УОКЕР».  
 17.00 Фильм. «ДЕТИ ДОН-КИХОТА».  
 18.50 «Неслучайная музыка».  
 19.00 Сериал «КРУТОЙ УОКЕР».  
 20.55 Сериал. «ВИНТОВАЯ ЛЕСТНИЦА»  
 22.00 Сериал «ОКРУГ КОЛУМБИЯ».  
 23.00 Худ. фильм «УБИТЬ ПРЕЗИДЕНТА».  
 1.00 «Карданный вал +».  
 1.20 Агентство криминальных новостей.  
 1.40 Сериал «КОМАНДА «А»».  
 2.30 Музыка

### ТНТ

4.45 «Москва: инструкция по применению»  
 5.10 «ЛЮБОВЬ И ТАЙНЫ САНСЕТ БИЧ». Теленовелла  
 6.05 «Глобальные новости»  
 6.10, 11.05 «Никелодоены»  
 7.25 Предприниматель.  
 7.40 Наши песни.  
 8.00 «ПЕРЕПУТАННЫЕ НАСЛЕДНИКИ». Комедия  
 9.50 Мультфильмы.  
 10.00 «Дикие дети»  
 12.30 Такси.  
 13.00 Деньги на проводе.  
 13.30 Маски-шоу.  
 14.00, 0.15 ОФИС.  
 15.00, 20.00, 22.55 «Дом-2»  
 16.00 Школа ремонта.  
 17.00 «САША + МАША». Комедия.  
 17.30 Комедия «СЧАСТЛИВЫ ВМЕСТЕ».  
 18.00 Такси.  
 18.30 Москва: инструкция по применению.  
 19.00 «Няня спешит на помощь»  
 21.00 Комедия. «БОЛЬШОЕ ДЕЛО»  
 23.25 Москва: инструкция по

применению.  
 23.55 Наши песни.  
 1.15 «ПЕРЕПУТАННЫЕ НАСЛЕДНИКИ». Комедия  
 2.50 «Голод»

### СТС

7.00, 14.30 Мультфильмы.  
 8.00 «33 квадратных метра».  
 8.30 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».  
 9.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ» Фильм.  
 10.00, 20.30, 0.30 Истории в деталях.  
 10.28, 20.58, 0.58 Настроение с Е. Гришковцом.  
 10.30 Комедия «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»  
 11.00 Кино «ВСЕ МЕНЯЕТСЯ».  
 13.00 «ТАЛИСМАН ЛЮБВИ» Фильм.  
 14.00 Комедия «НОВАЯ СЕМЕЙКА АДДАМС».  
 17.00 Комедия «САБРИНА - МАЛЕНЬКАЯ ВЕДЬМА».  
 17.30 «ЗАЧАРОВАННЫЕ» Фильм.  
 18.30 «КОМИССАР РЕКС» Фильм.  
 19.30 Комедия «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»  
 20.00 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».  
 21.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ» Фильм.  
 22.00 «ПЕРВОЕ ПРАВИЛО КОРОЛЕВЫ». Худ. фильм  
 23.00 «ОТЧАЯННЫЕ ДОМОХОЗЯЙКИ» Худ. фильм.  
 0.00 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».  
 1.00 «ЧАСТИ ТЕЛА» Худ. фильм.  
 2.00 «КОВАРСТВО ГОР» Худ. фильм.  
 2.45 Кино «АВТОФОКУС».  
 4.25 «ТАКСИСТ» Худ. фильм  
 5.50 Музыка

### 7 ТВ

6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00, 20.00, 21.00, 22.00, 23.00, 0.00, 1.00, 2.00, 3.00, 4.00, 5.00, 7 новостей.  
 6.05, 13.05 «Советский спорт»  
 6.25, 22.25 Бокс. Легендарные бои XX века.  
 7.05 Зарядка для страны.  
 7.25, 8.25, 9.25 Веселые старты.  
 8.05, 18.05 «220 вольт».  
 9.05, 10.05, 19.05 Музыкальный трек.  
 10.25 Мультсериал.  
 11.05, 18.35 Звезда автострады.  
 11.25 NASCAR: Back in the day.  
 12.05 KOTV: классика бокса.  
 13.25 Гольф. Европейская неделя.  
 14.05, 18.25 AutoFashion.  
 14.25 «Легкая атлетика». Журнал IAAF.  
 15.05, 17.05, 19.25, 20.25, 21.05 Экстремальный спорт.  
 15.35, 2.35 Гонки RTCC.  
 16.05, 20.05, 4.25 Магия оружия.  
 16.25 Бега и скачки.  
 22.05, 2.05 «Диалоги о рыбалке». Классика.  
 23.05 KOTV: классика бокса.  
 0.05 Дартс. Чемпионат мира.  
 1.05 Покер. World Poker Tour.  
 2.25 Картинг.  
 3.05 Покер. World heads up poker championship.  
 4.05 Бешеные колеса.  
 4.35 Экстремальный контакт.  
 5.05 Футбол. Женщины. Кубок России. Полуфинал. «Россиянка» - «Надежда».



**«Ўзбекистон» телеканалли**

5.55 Кўрсатувлар дастури.  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.40 Олтин мерос.  
8.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралиғида».  
«Ёз - ўтмоқда соз».  
9.10 1. «Ўйла, Изла, Топ!» Телелемусобақа. 2. «Кундуз амакининг хикоялари». Мультсериал.  
10.10 «Диёр оҳанглари». Республика телевизион фестивали. Сирдарё вилояти.  
10.55 Биржа ва банк хабарлари.  
11.00 «Ахборот».  
11.15 «Омон бўлинг!»  
11.20 «Ишқ эртаги».  
11.55 «Дил таронаси».  
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида).  
12.15 «Қалқон».  
12.30 «Корақалпоқнома».  
12.50 «Тақдир тухфаси».  
13.50 Олтин мерос.  
14.00 «Ахборот».  
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.  
15.20 «Заковат».  
16.20 «Ёшлиқда ўргансанг хунар...»  
«Болалар сайёраси»  
16.40 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».  
17.00 «Ахборот».  
17.15 Эски альбом.  
17.20 «Зомин илҳомлари».  
17.45 «Оҳанглар оғушида».  
18.00 «Агар Сиз...»  
18.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдида «Умр дафтари». О. Шарофиддинов. 2-қисм.  
18.40 «Пойдевор». Видеофильм. 1-қисм.  
19.10 «Банк ва мижоз».  
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».  
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.05 «Омон бўлинг!»  
20.10 «Ишқ эртаги».  
21.00 «Ахборот».  
21.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдида «Бир ўлка-ки.»  
22.00 «Тақдир тухфаси».  
23.05 «Кўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)  
23.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралиғида».  
23.35-23.40 Тунги наволар.

**«Ёшлар» телеканалли**

16.00 Давр.  
16.20 Шоҳсупа.  
16.40 Ракурс.  
16.55 Ватан ҳақида ўйлар.  
17.00 Радиодан кўрсатамиз...  
17.25 «Journal» (инглиз тилида)  
17.40 Футбол-2006.  
17.55 Болалар табассуми.  
18.00 «Ўнинчи қироллик». Бадий фильм. 7-қисм.  
18.40 Давр мавзуси.  
18.55 Ватан ҳақида ўйлар.  
19.00 Давр.  
19.40 Оқшом кўнғироқлари.  
19.50 ТВ-дорихона.  
20.00 «JOKER» телелотореяси.  
20.10 Автопатруль.  
20.35 Ёшлиқ наволари.  
21.00 «Танишинг, Жо Блэк». Бадий фильм.  
22.00 Давр.  
22.35 Кўнгил таронаси.  
22.45 «Танишинг, Жо Блэк». Бадий фильм (давоми)  
0.40 - 0.45 Орзулар бекати.

**«Тошкент» телеканалли**

18.10 Кўрсатувлар тартиби.  
18.15 Мультфильм. «Покахонтас».  
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури. (рус).  
18.50 «Репортаж».  
19.00 «Телекуррьер-маркет».  
19.15 «23, 5 даражали бурчак остида». Хужжатли телесериал.  
19.55 «Тв юрист».  
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури.  
20.20 «Индаба». Телесериал. (рус).  
20.45 «Телекуррьер-маркет».  
21.00 «Жозиба».  
21.15 «Эрудит».  
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури. (рус).  
21.45 «Анонс».  
21.50 «Бахтли бўлинг». (рус).  
22.15 «Инсон ва қонун».  
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури.  
22.50 Кино. «Одам-амфибия». Бадий фильм. (рус.).  
00.25-00.30 «Хайрли тун, шаҳрим».

**«Sport» телеканалли**

7.00 «Бодрое утро».  
8.00 «Хабарлар» (рус. тилида)  
8.20 Мультсериал.  
8.45 «Болалар спорти».  
9.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида)  
9.20 Кураш. Ўзбекистон биринчилиги.  
9.40 «Детективы».  
10.15 Жаҳон спорти. Теннис.  
11.10 «Талисман». Сериал.  
12.00 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.  
12.40- 13.40 «Жизнь прекрасна». Сериал.  
18.00 «Болалар спорти».  
18.15 Мультсериал.  
18.30 «Хабарлар» (рус. тилида)  
18.50 «Пятое измерение».  
19.15 «В поисках приключений».  
20.00 «Вести».  
20.25 «Жизнь прекрасна». Сериал.  
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида)  
21.50 «Майдон ортидаги одам».  
22.05 Гребля на байдарках и каное. Жаҳон чемпионати.  
22.35 Енгил атлетика. Европа чемпионати.  
23.25 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.  
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**30-канал**

Айрим туркий қабилалар ва мўғуллар қадим замонларда бўриларни ўзларининг ажлодлари деб ҳисоблашган. Масалан, Мўғулистон ҳукмдори Чингизхон ўзини бўрининг авлоди санаб, бундан фахрланган. Афсонага кўра, босқинчилар ҳужуми туфайли бир туркий қабила қирилиб кетиб, биргина жангчи тирик қолади. У ургочи бўри билан оила қуриб, туғилган болалардан яна ўша туркий қабила пайдо бўлган экан.

Қадимги римликлар бўрига дуч келишса, бу яхшиликдан дарак береди деб ишонинишарди. Ромул ва Ремни она бўри асраб олгани ҳақидаги ривоятни ҳам кўпчилик билса керак. Италия пойтахтининг номи ҳам Ромулнинг исмидан олинган. Рим шаҳрида ўша она бўрига бронзадан ҳайкал қўйилган.



КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

# «...ЎЗИНГНИ СЕВАМАН ШУНЧА»

*Муҳаббат яшайди дунё тургунча,  
Соғиндим, кўзимда нигоҳинг ёнар.  
Мен фақат ўзингни севаман шунча.  
Шамолдек девона, селдек девона.*

Ушбу сатрлар ўзбек шеърятининг кенжа бўғинига мансуб Шаҳрибонунинг яқинда дунё юзини кўрган «Лаҳзадаги мангулик» номли шеърий тўпламидан олинди. Шаҳрибону ҳақида гап кетганда, унга нисбатан поқиза шеърятимизнинг гўзал ҳилқати ортдан эргашиб келган истеъдодли қаламкашлардан бири дея эътироф этилади. Шоиранинг шеърларида меҳр-шафқат, ишқ-муҳаббат, орият, диёнат каби инсонийликка дахлдор фазилатлар тараннум этилади. Энг гўзал туйгуларни рангин сатрларда ифода-лашга интилган Шаҳрибону шеърятни кўнгил тубига чўккан дард, ҳаловатсизлик ва тугёнга тенглаштиради.

— Шоирлар нигоҳи орқали кузатилган олам аслидагидан-да поқиза, тароватли бўлади, — дейди муаллиф. — Шоирлар оламни ўз кафтида намоеън этишга уринади. Гўзалликнинг сўнгги нафасларини ҳис қилиш,

мардлик ва садоқатнинг абадийлигини таъминлаш, ишқ ва нафосатдан баҳрамандлик туйғусининг завол топмаслиги учун шеърят кераклигини таъкидлайди. Токи дунёда биргина шоир бор экан, муҳаббат яшайди,



ШАҲРИБОНУ  
ЛАҲЗАДАГИ  
МАНГУЛИК

яшайверади... дея баралла куйлайди.

Шаҳрибону ушбу шеърий тўпламида дунёга аёл кўзи билан қараш, ҳаёт нақадар завқли ва гўзал эканлигига ишора қилиши табиий. Ёш шоира кўнгилдан нима

кечса, уни сўзда самимийлик, мулоимлик ва соддадиллик билан тасвирлайди.

*Мангулик - лаҳзада  
яшаган юрак,*

*Нигоҳим тубида акс-  
ланган тонг.*

*Саҳарда юкидан бўша-  
ган юрак*

*Ва узоқ янграган, зал-  
ворли бир бонг.*

Шеърий тўпламнинг «Лаҳзадаги мангулик» деб номланиши ҳам бежиз эмас, албатта.

Шаҳрибону шеърлари орқали ҳаёт киприкка кўнган қорпарчасидек омонат эканлигига, унинг ҳар лаҳзаси ғаниматлигига ишора қилади. Шу лаҳзаларда атрофдагиларни мангуликка хизмат қилувчи муносиб изқолдириш кераклигига даъват этади.

Бир сўз билан айтганда, Шаҳрибонунинг қалбга эзгу ниятларни олиб кира оладиган содда ва ўзига хос услубдаги шеърий сатрлари ҳеч бир шеърят мухлисини берафқ қолдирмайди. Мазкур тўплам истеъдодли шоирамизнинг иккинчи шеърий тўпламидир. Унинг «Таниш сўқмоқлар» номли илк шеърий китоби аллақачон ўзининг ҳақиқий мухлисларини топишга улгурган.

ТАБРИКЛАЙМИЗ

Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги кўриқлаш бошқармаси молия-иқтисод бўлими бошлиғи, капитан Аҳад ИБРАГИМОВни 40 ёшга тўлгани билан самимий табриклаймиз. Ҳамкасбимизга узоқ ва мазмунли умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, масъулиятли ва шарафли ишида улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Тошкент шаҳар Учтепа тумани ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими бошлиғи, майор Баҳодир ПЎЛАТОВни туғилган куни билан қизгин табриклаймиз. Ҳамкасбимизга мустақкам соғлиқ, узоқ умр, сермазмун ҳаёт, хонадонига кут-барака тилаймиз.

Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги кўриқлаш бошқармаси инспектори, капитан Раҳматжон МАМАЖОНОВни туғилган куни билан самимий табриклаймиз. Ҳамкасбимизга узоқ ва мазмунли умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, шарафли ишида омад тилаймиз.

Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги кўриқлаш бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби.

\*\*\*

Навоий вилояти ИИБ ЖК ва ТҚКБ бошлиғи, подполковник Қувондиқ ФАЙЗИЕВни 50 ёшга тўлгани билан самимий табриклаймиз. Унга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий бахт, хонадонига кут-барака, шарафли ишида улкан ютуқлар тилаймиз. Барча орзу-ниятлари амалга ошиб, ҳаёти файзли бўлсин.

Вилоят ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

«МАЪНОЛАР МАҲЗАНИ»

ОТИНИ АЯГАН – ОТ МИНАР,  
ТЎНИНИ АЯГАН – ТЎН КИЯР

Вариант: «Отни аясанг – отга етади, тўнни ямасанг – тўнга». «Отни аяб, ардоқлаб, яхши парвариш қилсанг – яхши, чопқир, кучли, зотли отларга тенглашади. Тўнингни ҳам аяб кийсанг, йиртиқ-сиртигини вақтида ямаб, вақтида тозалаб турсанг, яхши, янги тўнлардан қолишмайди, уларнинг ўрнини босадиган бўлади», дейилмоқчи. «Ошни аясанг – ошга, нонни аясанг – нонга» («Ошга ҳам, нонга ҳам зор бўлмайсан», дейилмоқчи), «Оз билан кўпни сақла», «Озни бежа, кўпни тежа», «Олдин – тежаш, кейин – бежаш»; «Олаверсанг енгил бўлар, солаверсанг огир бўлар». Бу мақоллар билан кишини тежамкорликка даъват этадилар.

ОТЛИҚҚА САЛОМ БЕРИБ,  
ЭШАКЛИКДАН ДАМ КУТМА

Бу мақолни бой амалдорларга хушомадгўйлик, лаганбардорлик қилиб, улардан озми-кўпми манфаат топиб юрган, шундай «омади юришиб турган» пайтларида ўз тенгқурларини, амал-мансаби, пул-маблағи бўлмаган оддий одамларни менсимай, «оёқ учи»да кўрсатиб юрган; вақти келиб, бой, амалдорларнинг қаҳр-ғазабига учраган, уларнинг даврасидан четлатилган ва илгари менсимай юрган одамларидан ёрдам, нажот сўраб келган кишига нисбатан киноя тарзида қўллаганлар. Ҳозир ҳам шунга ўхшаш ҳолларда ишлатадилар.

ОТНИ КЎРСА – ОҚСАЙДИ,  
СУВНИ КЎРСА – СУВСАЙДИ

Буни дангаса, ялқов, ишга бўйни ёр бермайдиган, аммо ўз манфаати йўлида ҳар қандай ҳийла-найрангдан, айёрликдан, «паст кетиш»дан қайтмайдиган ярамас шахсларга нисбатан киноя, истехзо тарзида қўллайдилар.

ОТНИ ТЕПМАЙДИ ДЕМА,  
ИТНИ ҚОПМАЙДИ ДЕМА

Вариант: Итнинг аччиғи куйруғидан биллинар, отнинг аччиғи қулоғидан биллинар» («Итнинг аччиғи келиб, нияти бузилиб, кишини қопмоқчи бўлса, думини гажак қилади, отнинг аччиғи келиб, кишини тепмоқчи бўлса, қулоқларини дингайтиради. Бу ҳол – сенинг улардан эҳтиёт бўлиш, сақланиш чораларини кўришинг учун белги бўлмоғи керак», дейилмоқчи): «Ювош отнинг тепкиси қаттиқ бўлади»; «Ювош мушук қаттиқ тимдалайди» (Булар билан: «Э, у (от, ит, мушук ва умуман, ҳар бир нарса ва кимса) ювош, мўмин-қобил, бировга озор бермайдиган-ку, деб ишониб, бамайлихотир яқинлашиб, истаган гап-сўзингни, жавоб-муомалангни қилиб юраверма. Ҳар бир нарса ва кимсадан доимо огоҳ, хушёр, эҳтиёт бўлиб юр», деб таълим берадилар).

## МУНАЖЖИМЛАР БАШБОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

**КҮЙ. 21 март – 20 апрель**

Ушбу ҳафтада барча ишларингиз юришади. Хужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ масалаларни тез ҳал этасиз. Янги лойиҳаларни муҳокама қилиш учун сешанба ва якшанба кулай кунлардир. Ҳафтанинг охирида саёҳатлар ёки хизмат сафарлари кутилмоқда.

**СИГИР. 21 апрель – 20 май**

Керакли маълумотни кўлга киритасиз. Ҳафтанинг иккинчи ярмида сизни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашади. Амалий шериклар ёки ҳомийлар топилиши мумкин. Саломатлигингиз бироз панд бериши эҳтимолдан холи эмас. Шу боис, яхшилаб ҳордиқ чиқаришни маслаҳат берамиз.

**ЭГИЗАКЛАР. 21 май – 21 июнь**

Дастлабки кунлар дўстларингиз йўқлашади. Музокаралар юритиш ва бирор жиддий қарорга келиш учун ҳафтанинг сўнгги кунлари қулайдир. Жума куни юзага келган муаммоларни ҳамкасбларингиз кўмағида ҳал этасиз. Дам олиш кунлари хонадонингизда айрим мураккабликлар юзага келади. Аммо кўп вақт ўтмай бартараф этилади.

**ҚИСҚИЧАҚА. 22 июнь – 22 июль**

Илгари бошлаб кўйган ишларингизни ниҳоясига етказасиз. Тижорат, билим олиш ва воситачилик ишларида омад кулиб боқади. Қимматбаҳо жиҳозлар сотиб олишда эҳтиёт бўлинг. Чунки алданиб қолишингиз ҳеч гап эмас. Ҳафтанинг охирига бориб кичик сафар уюштирасиз.

**АРСЛОН. 23 июль – 23 август**

Келгуси режаларни белгилашда сабр-тоқат билан иш кўринг. Хизмат пиллапоясидан юқорилашингиз мумкин. Саломатлигингизни тиклаш учун вақт ажратишни маслаҳат берамиз. Шу мақсадда жума куни барча ишларни йиғиштириб, кўнгилли дам олинг. Ишхонада янги имкониятлар юзага келиши мумкин.

**БОШОҚ. 24 август – 23 сентябрь**

Касб маҳоратингизни намоён этиш учун сешанба кулай кундир. Учрашувларда иштирок этиб, эътиборли инсонлар билан танишасиз. Ҳаётингизда ижобий ўзгаришлар рўй беради. Якшанба куни харидлар қилишингиз мумкин.

**ТАРОЗИ. 24 сентябрь – 23 октябрь**

Душанба куни белгиланган вазифаларни бажаришда фаолликка эришасиз. Оилада анчадан буён ташвишга солиб келаётган муаммоларни ҳал этиш имконияти бор. Ҳафтанинг ўртасига бориб кўплаб қийинчиликлар бартараф этилади, моддий аҳволингиз яхшиланади.

**ЧАЁН. 24 октябрь – 22 ноябрь**

Дастлабки кунлар уй юмушлари билан машғул бўлганингиз маъқул. Атрофингиздаги одамлар билан низо келиб чиқишдан эҳтиёт бўлинг. Ҳар қандай вазиятда ҳам босиқлик билан иш тутишни маслаҳат берамиз. Саъй-ҳаракатларингиз туфайли ҳафтанинг сўнгги кунлари омад кулиб боқади.

**ЁЙ. 23 ноябрь – 21 декабрь**

Ушбу ҳафта барча жабҳаларда муваффақият келтиради. Шартнома ва лицензияларнинг мuddатини узайтиришингизга тўғри келади. Хушxabарлар эшитасиз. Дам олиш кунлари ота-онанингизни бориб кўришга вақт ажратинг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ. 22 декабрь – 20 январь**

Дўстлар ва амалий ҳамкорлар танлашда ички туйғунингизга таянганингиз маъқул. Пайшанба куни ўзингиз ёки қариндошларингиздан бирига омад кулиб боқади. Ҳафтанинг охирига бориб сиз билан тузилган бирорта молиявий шартнома бекор қилинса бундан асло ранжиманг.

**ҚОВҒА. 21 январь – 20 февраль**

Масъулият талаб этиладиган даврдир. Катта маблағ сарф этиладиган шартномалар тузишда жуда эҳтиёт бўлишингиз зарур. Чоршанба куни бироз кайфиятингиз тушиб кетиши мумкин. Якшанба куни яқинларингиздан бирининг турмуш муаммосини ҳал этиш билан машғул бўласиз.

**БАЛИҚ. 21 февраль – 20 март**

Дастлабки кунлар вақтингиз дўстлар даврасида ўтади. Ижод ва тарбиявий масалалар билан шуғулланиш учун қулай даврдир. Бизнес соҳасида ютуқларга эришасиз. Айрим рақибларингиз танқид қилишига заррача имкон берманг. Дам олиш кунлари табиат бағрида кўнгилли ҳордиқ кутилмоқда.



ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ. ОЛИЙ ЛИГА

# «ПАХТАКОР» — ЯГОНА ПЕШҚАДАМ

XV-Ўзбекистон чемпионатининг иккинчи давра баҳслари бошланди. Турнинг марказий ўйини шубҳасиз Муборакда кечган «Машъал» ҳамда чемпионат карвонбошиси «Пахтакор» жамоалари учрашуви бўлди. Давра оралигида мавсумга тайёргарликни маромига етказган пахтакорчиларга ўз майдонида

тўп суриш ёки рақиб майдонида ўйнашнинг фарқи қолмади, чамаси. Чунки, терма жамоанинг ўзаги бўлган пойтахтликларга миллий чемпионатда рақиблик қиладиган жамоанинг ўзи қолмади. Ахир, таркибни доимо келажаги порлоқ юлдузлар билан бойитиб бораётган жамоа голиб бўлмаса адолатданми?

## ТУРНИНГ ҚОЛГАН УЧРАШУВЛАРИ ҚУЙИДАГИЧА ЯКУНЛАНДИ:

«Трактор» — «Шўртан»	4:1
«Хоразм» — «Қизилқум»	0:1
«Бухоро» — «Насаф»	0:0
«Навбахор» — «Андижон»	2:1
«Самарқанд-Д» — «Сўғдиёна»	2:0
«Металлург» — «Локомотив»	3:3

Энг муҳими, халқаро майдонларда бу ўзини

оқлаяптими? Бу ҳақда жиддийроқ бош қотиришнинг пайти келди.

Учрашувга келсак, «Пахтакор» рақиблари дарвозасига жавобсиз иккита тўп киритиб, турнир жадвалидаги мавқеини янада мустаҳкамлаб олди. «Нефтчи» футболчилари ҳам иккинчи даврани ғалаба билан бошлашди. Улар ўз майдонида Сариосиёнинг «Тўпаланг» жамоасини 2:1 ҳисобда енгишди.



## ҚИСҚА САТРАЛАРДА

Россиянинг Сранск шаҳрида теннис бўйича халқаро «Мордовия кубоги — 2006» анъанавий эркалар турнири бошланди. 24 та давлат вакиллари иштирок этаётган мазкур мусобақада жаҳон рейтингда энг яхши кўрсаткичга эга бўлган Денис Истомина Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилади. Россиялик Юрий Шукин ҳамюртимизнинг асосий рақибни эканлигини эслатиб ўтамыз.

\*\*\*

Амстердамдаги Дом майдонидан бошланган автопойга йўлининг умумий узунлиги 17,5 минг км.дан иборат. Шу кунгача авторалли иштирокчилари Голландия, Германия, Австрия, Венгрия, Болгария, Туркия, Грузия, Озарбайжон, Туркменистон ва бошқа мамлакатларни ортда қолдиришди. Шунингдек, автомашиналар колоннаси уч кун давомида «Бухоро — Шаҳрисабз — Самарқанд — Тошкент» йўналиши бўйича юртимиз ҳудудидан ҳам ўтади.




Қўлингни торт, оғайни!

## ХАСИМ РАҲМОНГА МУНОСИБ РАҚИБ

Шу йил 12 август кунини супер оғир вазн тоифасидаги россиялик боксчи Олег Маскаев Бутунжаҳон бокс кенгаши (WBC) йўналиши бўйича жаҳон чемпиони, америкалик Хасим Раҳмонга қарши рингга кўтарилади. Бу ҳақда Top Rank компаниясининг таниқли промоутери Боб Арум маълум қилди. Агар Хасим Раҳмон ғалабани қўлга киритса, унинг навбатдаги рақибни Крис Бердни мағлуб этган украиналик боксчи Владимир Кличко бўлиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, асли қозоғистонлик, Россия фуқаролигига эга, аммо АҚШда яшаётган Олег Маскаев ҳаваскорлик боксида собиқ иттифоқ, Осиё ва жаҳон чемпионатларида муносиб ютуқларни қўлга киритган. 1994 йили профессионал рингга ўз кучини синаб кўришга аҳд қилди. Дастлабки жангда Европанинг энг кучли боксчиларидан бири, 21 учрашувнинг барчасида ғалабага эришиб, рақибларини «19 марта нокаутга учратган» Александр Мирошниченко билан учрашди. Уни учинчи раунддаёқ нокаутга учратиб, мухлислар ўртасида шуҳрат қозонди.

1995 йили ёш боксчи Америка Қўшма Штатларига кўчиб кетди. Дастлаб ундан омад юз ўғирди. Олег собиқ жаҳон чемпиони Оливер Маккол, кейин эса Интернационал бокс федерациясидаги биринчи рақамли даъвогар Дэвид Туага ютқазиб қўйди. Бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олган Олег руҳан тушмади, муттасил шуғулланиб, профессионал боксчилар ўртасида Осиё чемпиони деган шарафли номни қўлга киритди. У профессионал рингдаги саккиз-



та жангда ғалаба қозонди. Рақибларидан Алекс Стюарт (4 марта жаҳон чемпионлиги учун жанг қилган), Корридж Шабалала (Жанубий Африка Республикаси бокс юлдузи), Жеф Вуденлар бор эди. Сўнгги жангда эса Олег жаҳон чемпионлигига асосий даъвогар ҳисобланган Хасим Раҳмонни нокаутга учратди. Оленинг охириги зарбаси шу даражада кучли бўлдики, ўзини тутолмаган Раҳмон канатдан ташқарига чиқиб кетди. Ушбу зарбани Америка матбуоти «йилнинг, ҳатто ўн йилликнинг энг гузал нокаут» деб таърифлади.

Кўриб турибсизки, Олег Маскаев рақибдан қолишмайдиган, унга муносиб рақиб. Бугунги кунда улардан қайси бири кучли эканлигини эса кутилаётган учрашув кўрсатади.

Рустам САГАТОВ.

БОКС

UEFA

## «МИЛАН» ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИГА ҚАЙТДИ

Футболда ҳар нарса бўлиши мумкин. Италия «А» сериясидаги шовшувлар сабаб бу мамлакатнинг тўрт жамоаси келгуси йилдан бошлаб Европа чемпионлар лигаси баҳсларида қатнашишдан маҳрум этилган. Бу жамоалар голиблик шохсупасига ўзаро тил бириктириб кўтарилган, деб айбланди. Қарор Италия қарори томонидан чиқарилган.

Аммо УЕФА «Милан» жамоасига 2006-2007 йиллар ўтадиган Европа чемпионлар лигаси баҳсларида қатнашиш ҳуқуқини берди. Италия Футбол федерацияси томонидан тақдим этилган ҳужжатларни синчиклаб ўрганган УЕФА интизом комис-

сияси бу борада ҳеч қандай қонун бузилишини билдирмаётганлигини билдирган. Шундай қилиб, Андрей Шевченко жамоаси учинчи саралаш босқичда «Червена Звезда» (Сербия) — «Корк Сити» (Ирландия) жамоалари ўртасидаги голиб жамоа билан майдонга тушди.

— Биз УЕФАга барча ҳужжатларни юбориб, жамоамиз айбсиз эканлигини исботладик. Жамоага қарши бўлган барча жазолар олиб ташланди. Энди хотиржамлик билан бошланаётган мавсумга тайёргарлик кўришимиз мумкин. Жамоа майдонда нималарга қодир эканлигини кўрсатишга шай, — деди клуб адвокати Леандро Кантамесса.

**Абдулхай ЮНУСОВ.**



ХАР ДАРДНИНГ ДАВОСИ БОР



# САЛОМАТЛИК

РЕЦЕПТЛАР + МУТАХАССИС ФИКРЛАРИ + ТАВСИЯЛАР

*Инсон бахтли ҳаёт кечирмоғи учун авваламбор соғлом, яна рус ёзувчиси А. Чехов айтганидек, унда ҳамма нарса гўзал бўлмоғи керак (ташқи кўриниши, одоби, хулқи). Шунингдек, инсон янада чиройли кўриниши, ҳаётдан завқ-шавқ олиши учун қизларимиз ва аёлларимиз албатта, зебу зийнатлардан фойдаланади. Ҳар бир аёл учун шарт деб қилинган зийнат — бу сирғалардир. Уларнинг тури, шакли жуда хилма-хилдир. Сирғани шунчаки безак учун тақиш эмас, қандай фойдаланиши ҳам билиш шарт, йўқса турли нохуш ҳолатлар юзага келиши мумкин.*

лосага келиш мумкин. Буни шифокорлар кўп марта таъкидлашади. Масалан, қисма сирғаларни узоқ вақт тақиш қулоқда қон айланишининг бузилишига олиб келади. Бу эса қаттиқ оғриқ пайдо қилади, увиштиради. Янада узоқроқ тақилса қон босими кўтарилади, энса соҳасида оғриқ туриб, кўз хиралашади, киши лоҳас бўлади. Чунки қисма сирғалар стандарт

Янада аниқроқ тасаввурга эга бўлиш учун, қулоқнинг тузилиш ва вазифалари ҳақида озгина маълумот бермоқчимиз. Қулоқ — энг мураккаб тузилган аъзолардан бири бўлиб, товушни эшитиш ва инсон организмни ташқи муҳитда мувозанатини сақлаш вазифаларини бажаради.

Қулоқ супрасини интервация қилишда (яъни нерв толалари билан бошқарилишида) адашган, чакка қулоқ ва уч шохли нерв толалари иштирок этади. Нерв тола-



У мураккаб тузилиши билан бирга, пастки жағ бўғими, ҳалқум, бурун, миёна билан чегараланади ва улар билан қон томир орқали узвий боғланган.

Бу эса қулоқда юз берадиган барча паталогик ўзгаришлар чегарадош аъзоларга тарқалишига имкон яратди ва турли даражадаги ҳаёт учун хавфли асоратларга сабаб бўлади. Шу сабабли инсон қулоқни пок тутуши, уни асраши ва ортиқча зарарламаслиги лозим.

Буларни айтишдан мақсад қиз ва аёлларимиз сирғани тўғри танлашлари ва ёшга, жуссага қараб фойдаланишлари кераклигини эслатишдир.

## СИРҒАНИ

## САРАЛАБ ТАҚИШ

ларининг алоқаси орқали миёнинг чуқур тузилмалари узвий боғланган. Бу тузилмалар инсон организмнинг барча ички аъзоларининг фаолиятини бошқаради. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда, қулоққа ҳалдан зиёд катта, оғир ёки қисма сирғаларни тақиш турли нохуш ҳолатларга сабаб бўлади деган ху-

шаклда, яъни бир хил русумда (размерда) ишлаб чиқарилади. Қиз ва аёлларимиз қулоғининг юмшоқ тўқимаси эса ёшга қараб турлича тузилган бўлади. Шундан билса бўладики, қисма сирға ҳаммага ҳам тўғри келармайди. Шунинг учун бу хилдаги сирғаларни узоғи билан 1-1,5 соатта тақиш ва ечиб қулоқни ишқалаб дам бериб туриш зарур.

Ҳозирги пайтда ҳар бир қулоққа бир нечтадан сирға тақиш русум бўлган. Бунинг ҳам зарари бор. Чунки қулоқ супрасида ҳар бир ички аъзо билан боғлиқ бўлган нуқталар мавжуддир. Айрим касалликларни даволашда шу нуқталарни массаж қилиш йўли билан таъсир этилади. Агар бир нечта сирға тақиш учун бу нуқталарга юк берилса, ички аъзолар функцияларига салбий таъсир кўрсатади.

Ҳар биримиз қизимиз кўркам бўлиши учун унга зебу зийнатлар олиб берамиз. Бунда биринчи галда унинг ёшини, жуссасини эътиборга олишимиз, ихчам, енгил ва қулай тақинчоқ танлашимиз, бу унинг соғлиғига фойдали эканлигини унутмаслигимиз керак.

Яна бир нарсани эслатиб ўтиш жоиз. Қизчаларнинг қулоғини мутахассис шифокорга, асептика ва антисептика қоидаларига риоя қилган ҳолда тештириш керак. Қулоқ ҳам организмнинг энг керакли аъзоларидан бири экан, уни касалланишдан асрашимиз шарт. Бунда сирғаларни тақишда мутахассис шифокордан маслаҳат олган маъқул.

А. АДИЛОВА.

### ШИФОБАХШ УСИМЛИКЛАР

## АЛОЭНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Алоэ ўсимлиги бир қатор хасталикларни даволашда қўлланилиши ҳаммага ҳам маълум эмас. Табобатда янги узиб олинган барги ва ундан олинган шираси қадрланади. Унинг таркибида эмодин, смола, эфир мойи, С дармондориси ва бошқа кўпгина моддалар бор.*

Араб табиби Резиснинг ёзишича, Ҳиндистонда алоэ қорачечак ва йирингли яраларни даволашда ва қон кетишига қарши восита сифатида қўлланилган. Шарқ табобатининг даҳоси Абу Али ибн Сино алоэ борасида: «Асал билан қўшиб шикастланишдан қолган изларга қўйилса, яралар тез битади. Шароб билан қўшиб бошга суртилса, соч тўкилишини тўхтатади. Битиши қийин бўлган яраларга фойда қилади. Агар гул ёғи билан қўшиб пешона билан чаккага суртилса, бош оғригини қайтаради. Ақлни ва дилни ўткирлаштиради. Кўз яраларига, оғриқларига, кўз ички бурчагининг ачишишига, шишига фойда қилади...» деб ёзган.

Қадимги табиблар ундан қон ҳаракатини тезлатиш, ошқозон-ичак йўллари касалликларини даволаш ва асаб фаолиятини яхшилашда фойдаланишни тавсия этганлар. Сурги ва сафрони ҳайлашда, сил касаллигини даволашда қўлланган. Миср малikasi Клеопатра бу ўсимликни терига, сочларга ипақдек майинлик бахш этувчи малҳам сифатида ишлатган. Иккинчи жаҳон уруши даврида қийин битадиган яраларни даволашда алоэ ярадорларнинг жонига оро кирган. Шуниси диққатга сазоворки, бунда Ибн Сино усули қўлланилган.

Рус академиги В. Филатов алоэнинг ажойиб яширин сирини кашф этган. У қирқиб олиб, сўлитилган ўсимлик тўқимаси ўздан яраларнинг битиши ва бемор соғайишига ижобий таъсир қиладиган, бактерияларни ўлдириш қобилиятига эга бўлган моддалар ажратишини аниқлаган.

Алоэдан суртма дори, шира, қайнатма тайёрланади. Фармацевтика саноати хапдори, укол учун суюқ дори — ампулада ишлаб чиқарилади. Алоэнинг темир моддаси билан аралашгани камқонликда малҳам бўла олади. Бунда бир чой қошиқдан 3 маҳал ичилса кифоя.

Сурункали ошқозон (гастрит) касаллиги, ошқозон яраси ва ич кетиш хасталигидан сўнг ошқозон-ичаклар фаолиятини яхшилаш учун алоэ шарбатидан кунига 2-3 марта, овқатдан ярим соат олдин 1-2 чой қошиқдан истеъмол қилиш тавсия этилади.

Тумовни даволашда ҳам алоэ шарбати билан оғиз ва томоқни чайқаш тавсия этилади.

Алоэдан сурги дори сифатида фойдаланиш учун 150 гр. қуритилган барглари яхшилаб майдаланади. Қайнаш даражасига етказиб эритилган 300 гр. асалга қўшилади. Аралашма бир сутка тургандан сўнг яна 70° С гача иситилади. Шундан сўнг 1-2 чой қошиқдан наҳорда, нонустадан бир соат олдин истеъмол қилинади.

Суюқ алоэ эликсиридан ошқозон яраси, ўн икки бармоқли ичак яраси, бронхит ва бронхиал астма хасталикларини даволашда фойдаланилади.

Алоэ бавосил (геморой) хасталигида ҳам қўлланилади. Уни даволаш учун 1 ош қошиқ алоэ (камида уч йиллик) шарбатига бир донна тухумнинг сариғи ва 1 ош қошиқ баллиқ ёғи солиб аралаштирилади. Тайёр малҳам болалар ичини клизма қилишда фойдаланиладиган махсус резина идишга солинади ва йўгон ичакка юборилади. Муолажани 12-15 кун такрорлаш яхши натижа беради.

Бироқ алоэ фойдали экан, деб ўз билганингизча иш кўрмай, шифокор маслаҳатига амал қилганингиз маъқул.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,  
доришунос.



### ШИНГИЛ МАСЛАҲАТЛАР

#### БЕЛ НЕГА ОҒРИЙДИ?

Бунинг сабаби қуйидаги икки омилга боғлиқ. Биринчиси — ишемия, яъни асаб толаларида қон айланишининг камайиши, иккинчиси — асаб толаларининг қисилишидир. Бундай ҳолатлар асосан радикулит, умуртқалараро диск зарарланиши, жароҳатланиши,

умуртқа поғонаси хасталиклари, яллиғланиш жараёнларида кузатилади. Бу эса умуртқа поғонасининг катта ёки кичик даражада қийшайишига олиб келади. Натижада умуртқа поғонаси атрофидаги мушаклар зўриқиб тортилади ва бел оғришига сабабчи бўлади.

#### ОСТЕОХОНДРОЗ ҚАНДАЙ АНИҚЛАНАДИ?

Бу қуйидагича амалга оширилади. Бемор текис диван ёки кушеткада ётган ҳолда оёғини яқинларидан бирининг қўлига қўйиб, аста бўшаштиради. Яқини қўлини секин кўтарди ва 90 даражага олиб боради. Агар оғриқ бўлмаса остеохондроз эмаслиги, 80 градус ва ундан паст ҳолатда оғриқ сезилса касалликдан даракдир. Бундай пайтда мутахассисга мурожаат қилиш лозим.

Қудрат МАТКАРИМОВ,  
Хоразм вилояти ИИБ шифохонаси асаб касалликлари шифокори, лейтенант.





(Давоми. Боши ўтган сонларда).

**МАШИНА ҲАМ  
ТОПИЛДИ...**

Ўткирбек ўйлаб қўйган режасини ҳамтовоқларига ошкор қилиб, уларни зимдан кузатди.

— Бу ишларни амалга ошириш учун битта бўлсаям машина керак бўлади, — деди Содиқ қиморбоз. — Усиз ҳаракат қилиш қийин.

— Ғам ема, оғайни, бунинг йўли осон, — деди Ўткирбек қовоғини уюб.

— Хўш, хўш?..

— Кейин билволасан. Ҳозирча акамнинг автокорхонасида ҳайдовчи бўлиб ишлаётган мана бу йигитнинг «тойчоғидан» фойдаланиб турамиз, — у чўнтагидан сурат олиб кўрсатди. — Кейин бир гап бўлар...

Ўйлаган режасини амалга ошириш учун чиндан ҳам битта транспорт камлик қилиб қолди. Қандай бўлмасин яна битта автоулов топиш керак эди. Ўткирбек бу ҳақда кўп ўйлаб ўтирмади. Шухрат билан йўлга чиқди. Шухрат илгари босқинчилик жинояти учун қамалиб чиққан. Айни пайтда у Ўткирбекнинг акаси раҳбарлик қиладиган автокорхонада ҳайдовчи эди.

Машина шитоб билан олган интилар, икки ёнбошидан муҳташам бинолар, ям-яшил боғлар липиллаб ўтарди. Мана, чап томонда Келесдаги темир йўл устидан ўтган маҳобатли кўприк кўзга ташланди. Кафебар, сартарошхона, ойнаванд савдо дўконларининг сон-саногий йўқ.

Ўткирбек ўтган беш йил ичида рўй берган ўзгаришлардан кўзини узолмай борарди. Бир пайт йўл бўйида сочларини чиройли турмаклаган, кофта-юбка кийган аёл билан гап сотиб турган Шоҳидани кўриб қолди. Шоҳида унинг эски «таниши».

— Тўхтат! — кескин оҳангда буйруқ қилди орқа ўриндикда гердайиб ўтирган Ўткирбек.

— Тинчликми, Бек ака? — сўради дабдурустдан берилган буйруқдан эсанқираб қолган ҳайдовчи.

— Тинчлик, айтганимни қил!

Шухрат машинасини автобус бекатидан сал ўтказиб тўхтатди. Ўткирбек «Доган»нинг ён ойнасидан аёлнинг кетишини кутиб қараб турди. Ҳаял ўтмай аёл Шоҳида билан хайрлашиб, келиб тўхтаган таксига ўтириб кетди. Ўткирбек машинадан тушаркан, Шухратга тайинлади:

— Сен машинадан тушма!

Ҳайдовчи итоаткорона кўлини кўксига қўйди. Ўткирбек илдам қадамлар билан яп-янги «Жигули»га ўтираётган Шоҳиданинг ёнига борди.

— Машиналар муборак бўлсин, оппоққиз! Бу юришлар жуда бошқача... Худди узукка кўз қўйгандай, сизга ярашибди! Буюрсин!

— Раҳмат, айтганингиз келсин, — деди Шоҳида астойдил хурсанд бўлиб. — Анави ёқдан қачон қайтдингиз, Бек ака?

— Анча бўлиб қолди, — дея ёлғон гапирди Ўткирбек. — Энди эски қадрдонлар, таниш-билишлар, дўстларни зиёрат қилиб юрибмиз-да. Ўзлари биз томонларга нега

ўтмадилар? Ё биздан хафамилар?

— Келганингизни билмапман, узр, Бек ака.

— Юринг бўлмаса.

— Қаёққа?

— Борсангиз биласиз.

— Сиз йўл бошласангиз, мен қачон йўқ дебман?!..

Улар шу яқин орада ташкил қилинган «Жўрабек» деҳқонфермер хўжалигига йўл олдилар. Бу ерда яшашга мўлжалланган вагон-уй бор эди.

— Эски қадрдонлар бир чак-

— Шу ҳавода-я! — ажабланди Ўткирбек. — Чўмила қол, ўз хоҳишинг билан шамолламоқчи экансан, нима ҳам дердим. Хоҳиш билан ўлмоқ ҳам лаззат.

Шоҳида Бек акасининг кесатигига тушунмай унга тикилиб қаради. Ўткирбекнинг афти калтакесак тусига кириб, аламзада кўзлари олайиб-кетганди. Шоҳиданинг вужудини титроқ босгандек бўлди.

... Бир маҳал икки ҳамтовоқ илгари келишиб олганларига кўра бир аҳволда турган Шо-

Жасадни чилвир билан боғлаб қопга тикишди. Уни ўша кеча марҳуманинг «Жигули»сида Келес дарёсининг овлоқ жойига элтиб, сувга итқитиб юбордилар. Шу тариқа босқинчилар тўдаси яна бир машинали бўлди.

**ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ**

Одатда одамлар орасида «Бир кам дунё» деган ибора юради. Лекин дунёнинг бирини кам қилган аслида одамзотнинг ўзи эмасмикин? Ҳа, бу

катта бозори — «Отчопар». Бу ердан одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса топилади. Айниқса, мева-чева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари жауда сероб. Бободеҳқонлар баҳору ёз пешона тери билан етиштирган ноз-неъматларини пойтахтликлар дастурхонига тортиқ этиш учун келишади.

Сабзавот растасида кўр тўкиб юрган Ўткирбек, Шухрат ва Шариф тўр қопларга яхшилаб жойланган пиёз хирмоний олдида тўхтаб қолишди.

— Пиёз қанчадан бўлди, оғайни? — деб сўради Ўткирбек.

— Юз эллик сўмдан.

— Кўпроқ олсак-чи?

— Қанча олсиз ўзи?

— Қанча арзон бўлса, шунча кўп-да.

— Ўзи қанча пиёзинглар бор? — деб гапга қўшилди Шухрат.

— Ҳай, ўн тоннадан ортиқ, — деди кулиб Амир. — Аммо сиз пиёз зўрини билайкансиз. Қашқадайданинг пиёзи ўзи бошқача бўлади-да!

— Пиёзни зўриям, деҳқонни зўриям ўша ёқда, — деди муғамбирона кўз қисиб Шухрат. — Хўп, кўтарасига қанчадан бўлади?

— Кўтарасига бир юзу йигирма сўмдан сотаяпмиз, — деди пиёзфурушнинг шериги Қахрамон. — Ишонмасангиз, ана ўғлим Шухратдан сўранг.

— Бўлмаса, гап бундай, оғайни. Бизга анча пиёз керак. Қишга ғамлаб қўямиз, — деди Ўткирбек. — Майли, ўн тоннами-ўн икки тоннами — фарқи йўқ. Кўтарасига ҳаммасини оламиз. Гапнинг ўғил боласини айтинг, қанчадан берасиз?

— Ўзингиз-чи?

— Сотувчи сиз-ку, сиз айтинг.

— Майли, ҳаммасини олсангиз, юз сўмдан беринг.

— Бўлмаса бир гап айтмайми?

— Қани, эшитайлик-чи.

— Хафа бўлмайсиз-да.

— Йўқ.

— Ҳаммасини 70 сўмдан оламиз.

— Йўқ. Бўлмайди, — деди Қахрамон. — Ўзи шундоғ ҳам икки-уч кунда сотилиб кетади.

— Озгина қўшинг, акамудла, — деди Амир ҳовлиқиб. — Бу совуқда бозорда дилдираб ўтирамизми? Тезроқ борайлик уйимизга.

— Хўп ака, юз сўмдан бўлса бўла қолсин, — деди Ўткирбек.

— Ҳай, майли. Қўлни беринг ака, — деди Қахрамон қувониб. Ҳаммасини олсангиз-а?

— Машинаси билан қанча чиқади?

— Ўн икки тоннача бор-ов...

— Ўн икки тонна пиёзни юз сўмдан ҳисоблайлик.

— Роппа-роса бир миллион икки юз минг бўларкан, акамудла.

— Майли, унда машинани ҳайданг бўлмаса, фермаизга туширамиз, пулини «жарақ-жарақ» санаб олаверасиз, — деди Ўткирбек чўнтагидан бир даста пул чиқариб кўз-кўз қиларкан.

— Ҳай, қўлни ташланг, ака.

— Пулни ушланг, ака!

Деҳқонлар ушбу ҳазилнинг таги зил эканини хаёлларига ҳам келтиришмаган эди.

(Давоми бор).



чақлашиб, битимиз тўкилгунча яйрайлик! — деди Ўткирбек дастурхонга қўйилган ичимликларни битта-битта очаркан.

— Ҳа, ёшлик йилларимизни эслайлик, — деди Шоҳида Ўткирбекка сузилиб қараб. Аёл шундай эркаланиб, назокат билан гапирардики, Ўткирбекнинг егмиш икки томири жириллаб кетгандай бўлди.

— Бу машинани қачон олдингиз? — деб сўради Ўткирбек ортиқча ҳирса берилмасликка ҳаракат қилиб.

— Э, у ўзимники эмас.

— Кимники?

— Бир россиялик танишимники.

— Танишингники бўлсаям бўлаверади, — деди кулиб Шухрат Ўткирбекка кўзини қисиб, — яхши, янги машина экан.

— Қани, олдиқ бўлмаса, — деди Шухрат ароқ тўла қадаҳни кўтараркан. — Даврамининг гули бўлган дилрабо хоним учун ичамиз.

— Мен рулда бўлсам...

Қандоқ бўларкан? — иккиланди Шоҳида.

— Сени ўзим уйингача кузатиб қўяман... Ёнингда мен ўтирсам, биронтаси гиринг демайди.

Бу гап Шоҳидага ёқиб тушди, шекилли, қадаҳни охиригача бўшатди-қўйди.

— Э, малалес! Тасанно, сизга! Энди бундан буёғига қадаҳни охиригача бўшатиш ўйинини ўйнаймиз.

Зум ўтмай вагон-уйда шўх муסיқа садолари янгради. Улфатларнинг кайфи ошиб борар эди. Даврадаги «сиз»лашлар «сан»сирашга, рақс муқомлари турткилашга ўтди.

— Бутун баданим қизиб кетди, — деди Шоҳида оёғига зўрға тураркан. — Дарёга бир шўнғиб олсам, девдим...

хидани дўппослай бошлашди.

— Бек ака! Шухрат ака! Нима қилаяпсизлар?! Ахир ўлдириб қўясизлар-ку! — дея ёлвора бошлади оғзи-бурни қонга тўлган Шоҳида.

Ўткирбек Шухратга қаради: — Қани!

Шухрат аёлнинг бўйнига сиртмоқ ташлади.

— Вой-дод! Халойиқ. Ёрдам... қотиллар!!!

ҳақда ўйлаб кўрса арзийди.

Қирқ ёшдан ошар-ошмай олти марта «ўтириб» чиққан, яна еттинчи марта ҳам ўз инон-ихтиёри, қилмиши билан ўша томонга йўл олаётган Ўткирбекнинг кўп такрорлайдиган бир ибораси бор.

— Дунёда ким кўп — содда одамлар кўп, — дейди у ҳар гал виқор билан керилиб. — Фақат



Шоҳиданинг сўнги сўзлари шу бўлди. Шухрат сиртмоқни яна бир марта қаттиқ торганида унинг жони узилиб бўлган эди.

— Тамом-вассалом!!! — қулди Ўткирбек. — Қани, буни йиғиштир энди.

— Шошилманг, Бек ака, бир иш бор.

— Яна қанақа иш?!

Шухрат ташқарига чиқиб кетди. Бир маҳал қўлида омбир билан қайтди.

— Ахир, оғзи тўла тилла тиш экан-да...

Ўткирбек мийиғида кулиб қўйди. Шухрат марҳуманинг тилла тишларини суғуриб ола бошлади...

Улар марҳуманинг кийимларини ечиб, ёқиб юбордилар.

шунақа гўр-лақмаларни таниб, топиш, чув тушириш керак, холос. Ана шунда ошиғингиз олчи бўлади!..

Хўш, ўша содда, лақма одамларни қаердан топса бўлади? Албатта, одамлар орасидан-да. Бунинг учун ўша одамлар кўпчилик бўлиши керак. Биттаси бўлмаса бошқаси қармоққа илиниши турган гап.


Одамлар гавжум бўладиган жойлар эса кўча-қўй. Айниқса, бозорлар...

Одамнинг жонини олиш учун тиш-тирноғигача қуролланган, алоҳида вагон-уй — «штаб»га барча шароитни тайёрлаб олган тўда аъзолари оч қашқирлардай бозорма-бозор кеза бошлашди.

Тошканди азимнинг энг



# «САЙРОҚИ ҚУШЛАР» ЦИКЛОКРОССВОРДИ



1. Чумчуқсимонлар оила-  
сига мансуб қуш. 2. Чаққон  
ҳаракатланувчи парранда. 3.  
Хонадонларга яқин жойлар-  
да яшовчи ўтроқ қуш. 4. То-  
пишмоқ:  
Бир қушим топ зотин,  
Ўзи айтар ўз отин.  
5. Турфа ранг қанотли, думи  
узун, қарғасимон парранда.  
6. Топишмоқ:  
Бир қушим бор фаранги,  
Чорбоғда чалар чангли.  
7. Ватанимиздаги ўтроқ пар-  
ранда. 8. Топишмоқ:  
Саройда сари отим  
Сели билан кишнайди.  
Тўқайда тўриқ отим,

## КУНЛАРДАН БИР КУН...


Қодир гиёҳвандлик моддалари олди-соттиси билан шу-  
гулланаётгани Янгибозор тумани ИИБ жиноят қидирув гу-  
руҳи ходимларининг эътиборини тортди. Илгари ҳам ай-  
нан шундай жиноят содир қилиб, қамалиб чиққан бу  
шахсни қўлга олиш осон эмасди. У «мол»ни қаердан ва  
кимдан олаётти? Ҳамтовоқлари кимлар? Асосийси, жи-  
ноятнинг илдизи қаерда? Бу саволлар тезкор ходимлар-  
ни жиддий ўйлантирарди. Айёрликда шайтонга дарс бе-  
рувчи Қодир ҳадеганда тутқич беравермади.

## АЙЁР «ТУЛКИ» ТУЗОҚДА

Кунлардан бир кун Қодир уйи-  
ни таъмирлатиш учун қурувчилар  
излаётгани маълум бўлди. Илгари  
қурилиш ташкилотидан ишлаган  
Сардор бир гуруҳ ишчилар билан  
Қодирнинг хонадонига ташриф бу-  
юрди. Улар уйни бир бошдан таъ-  
мирлай бошлашди. Орадан уч кун  
ўтгач, Қодир кўринишидан анча  
содда, аммо ўз ишига ниҳоятда  
пухта Сардорни Урганч шаҳрига  
қурилиш материали сотиб олиш  
учун олиб борди. Уни машинада  
қолдириб, ўзини кўп қаватли уй-  
лар орасига урди. Орадан бироз  
вақт ўтгач, у қоғозга ўралган «али-  
бастр»ни олиб чиқди.  
– Сифатли алибастр дейишяп-  
ти, – деди Қодир кўлидаги қоғоз-  
га ўралган нарсани Сардорга тут-  
қазиб. – Сен таксига ўтириб, тўғри  
уйга боравер. Мен ортингдан етиб  
оламан.  
Сардор уйга етиб келганида  
Қодир аллақачон уни кутиб турар-  
ди. У устадан «алибастр»ни олиб,

уйга кириб кетди. Орадан ярим  
соат вақт ўтгач қайтиб чиқди.  
– Алибастрнинг сифати яхши  
экан, – деди у лотереяда машина  
ютган кишидек суюниб. – Ундан  
кўпроқ олишимиз керак.  
Шундай дея Қодир Сардорни  
олиб, яна шаҳарга отланди. Ман-  
зилга етгач Сардор машинада  
қолди, Қодир «мол» олгани бир  
уйга кириб кетди. Кўп ўтмай кўли-  
даги героин билан энди остонада  
пайдо бўлган эди, тезкор гуруҳ  
аъзолари унга пешвоз чиқишди.  
Улар орасида уч кундан буён уйи-  
да сувоқчилик қилаётган тезкор  
ходим, катта лейтенант Сардор  
Абдурахмонов ҳам бор эди. Кутил-  
маган бу учрашувдан Қодир ўзини  
йўқотиб қўйди ва ички ишлар хо-  
димларини героин сотаётган ше-  
ригининг уйига бошлади. Шу  
тариқа гиёҳвандлик билан шуғул-  
ланаётган айёр «тулки» қўлга  
олинди.

Худойберган ЖАББОРОВ.



Газетамиз саҳифаларида реклама  
ёки эълон беришни истайсизми?  
Марҳамат!

Мурожаат  
учун телефонлар: 139-73-88  
139-75-37

Бизнинг электрон манзилимиз: [urmvd@globalnet.uz](mailto:urmvd@globalnet.uz)

Тўпи билан кишнайди.  
9. Кенг тарқалган шимол  
қуши. 10. Топишмоқ; Гул устида  
олифта ашулачи. 11. Тўрқовоқда  
боқиладиган сайроқи. 12. То-  
пишмоқ:

Зув-зув бариғай,  
Толдан қарағай,  
Чўп-лой чўқиғай,  
Сават тўқиғай.

### Топширик

Циклокроссворд жавоблари  
асосида қуйидаги рақамлар  
жуфтани (биринчиси жавоб,  
иккинчиси ҳарф рақами тарти-  
бини англатади) ҳарфлар билан  
алмаштириб шакл атрофидаги  
бўш айланаларга ёзинг.

9-6. 2-5. 7-4. 6-2. 12-6. 11-2. 1-6.  
8-1. 5-5.

Улардан хонадонларда боқи-  
ладиган энг сайроқи қуш номи-  
ни соат миля йўналишида  
ўқийсиз.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.



Она замин саховати

## КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Ички  
ишлар вазирлиги моддий-техника  
таъминоти бошқармаси

- Бош кийимлар;
- Тикувчилик ва тикув-трико-  
таж маҳсулотлари;
- Махсус намунадаги оёқ ки-  
йимлари;
- Ҳар хил фурнитураларни  
ишлаб чиқариш ва етказиб бериш  
бўйича

### ТЕНДЕР

Ўтказилишини маълум қилади.  
Манзил: Тошкент шаҳри, Ш. Рус-  
тавели кўчаси, 1-берк кўча, 1-уй,  
индекс 700070.

Тендерда иштирок этувчилардан  
тақлифлар 2006 йил 4 сентябрь соат  
17.00 гача қабул қилинади.

Маълумот ва тендер ҳужжатла-  
рини олиш бўйича ҳар куни соат  
9.00 дан 19.00 гача қуйидаги теле-  
фонлар орқали мурожаат қилиш  
мумкин:

Телефон: 810998 (3712), 55-85-  
03, 55-76-72, 136-39-60, 139-71-47  
Факс: 8 10998 (371) 151-23-72,  
E-mail: [umtvs@uzpak.uz](mailto:umtvs@uzpak.uz)

## ТАФАККУР ЗИЁСИ

Кўз ўз соҳиби (эгаси)-  
нинг қалбида нима борли-  
гини ифода этар: муҳаб-  
батдан нима, нафратдан  
нима борлигини кўз  
сўзлайди, оғиз эса сукут  
саклайди, бари бир юрак-  
да нима кечаётганини  
очик-ойдин зоҳир кўрасан!

Кимки адовату хусуматни  
экса, албатта у ташвишу ма-  
шаққат ўради.

Тилию дили тўғри ва ҳақгўй  
бўлган одамнинг хатою нуқ-  
сонни кам бўлур.

Мансаб илинжида  
бўлган (қарам) кимсалар-  
нинг томирлари кесилган-  
дир, улар оладиган фар-  
монлари эса бир-бирига  
зарба берувчилардир.

Кимки ўз нафси балоси-  
ю, орзу-ҳаваси домига (ис-  
канжасига) тушиб қолса, у  
бешак ўзини-ўзи чуқур  
қаярига ташлагани муқар-  
рардир.

Мард ва олижаноб киши-  
нинг энг гўзал фазилатла-  
ридан бири ўз биродари-  
нинг айбларини бекитиб,  
унинг барча ишларини ба-  
мисоли ўзининг ишлари  
ўрнида кўриб иш тутиши-  
дир.

Кимники кўлидан хайр-  
баракали ва пурҳикмат иш-  
лар келмаса, унинг наса-  
бининг шарифлиги-ю,  
улуғлиги фойда келтир-  
мас.

Дўстлик ва биродарлик  
даъвосида бўлувчиларнинг  
тарозиси шундай нарсаки,  
у шиддатли, машаққатли  
бир ҳол бўлиб, ҳар қандай  
фароғату кенгликдан ҳоли-  
дир.

Кимки бахт-иқболли,  
солиҳ кишиларнинг этаги-  
га ёпишса, у албатта муро-  
ду мақсадига эришиб, хайр-  
ру барака топар.

Абу-л-Қосим Маҳмуд  
аз-ЗАМАХШАРИЙнинг «Нозик  
иборалар» китобидан олинди.

## Газетамизнинг азиз мухлислари!

Газетамизнинг янада мазмунли ва ранг-  
баранг чиқишига сизнинг фикрларингизни  
билиш ниятидамыз. Таклифларингиз  
бўлса, марҳамат, бизга кўнгироқ қилинг!



Ҳафтанинг шанба ва якшанба  
кунлари эса қуйидаги телефон орқали  
мурожаат қилишингиз мумкин:

(371) 139-70-40

Соат 9.00дан 21.00гача

Телефон: (371) 139-73-88

## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

Bosh muharrir  
Aziz ERNAZAROV

Bosh muharrir o'rinbosari  
Murod TILLAYEV  
Mas'ul kotib v.b. Rahmatilla BERDIYEV

Navbatchi: Azizjon Fayziyev  
Sahifalovchilar: Zokir Boltayev  
Nikita Slavgorodskiy  
Matn ko'chiruvchi: Gulnora Sodiqova

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart.  
Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.  
Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun  
mualliflar javobgardirlar. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta haftaning  
shanba kunlari chiqadi.

Kelgusi sonda  
uchrashuncha xayr!

MANZILIMIZ:  
700029, Toshkent,  
Yunus Rajabiy  
ko'chasi, 1

TELEFONLAR:  
Bosh muharrir o'rinbosari 132-24-60;  
Kotibiyat 139-73-88. Faks 132-05-51  
E-mail: [urmvd@globalnet.uz](mailto:urmvd@globalnet.uz)

Tahririyat hisob raqami  
20210000700447980001, MFO  
00421. «Pak yo'li» aksiyadorlik  
investitsiyaviy tijorat bankining  
Mirzo Ulug'bek bo'limi.

«O'zbekiston» nashriyot-  
matbaa ijodiy uyi  
bosmaxonasida chop etiladi.  
Korxonaning manzili: Alisher  
Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2003 yil 24 noyabrda 007  
raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-2679. Bosilish - ofset usulida. Hajmi  
- 6 bosma taboq. 55247 nusxada chop etiladi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda  
- 180. Tashkilotlar uchun - 366. Bosishga topshirish vaqti - 23.00. Bosishga  
topshirildi - 23.00. Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.